

327(043.3)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида
ББК 66.4 (5 У)*

ЖАЛИЛОВ АКТАМ ТАШНАЗАРОВИЧ

**ЕВРОСИЁ СТРАТЕГИК МУВОЗАНАТИНИ ТАДҚИК ЭТИШНИНГ
ГЕОСИЁСИЙ МАСАЛАЛАРИ**

23.00.02 - Сиёсий институтлар ва жараёнлар

сиёсий фанлар доктори илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент 2007

327(043.3)
ЖС20

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши Академияси “Ташқи сиёсат ва дипломатия” кафедрасида бажарилган.

Илмий маслаҳатчи: **Сиёсий фанлар доктори, профессор
Жўраев Сайфитдин Ахматович**

Расмий оппонентлар: **Фалсафа фанлари доктори, профессор
Жўраев Темур Абдулахатович**

**Сиёсий фанлар доктори, профессор
Жумаев Рустам Зиятович**

**Сиёсий фанлар доктори
Қосимова Назокат Анваровна**

Ётақчи ташкилот: **Тошкент Давлат Шарқшунослик Институтини**

Диссертация ҳимояси 2007 йил “28” сентябр куни соат 14.00 да Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги фан доктори илмий даражасини олиш учун ташкил қилинган Д.005.10.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш йиғилишида бўлиб ўтди (Манзил: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохкўчаси, 45-уй).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши Академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Диссертация автореферати 2007 йил “28” сентябр да тарқатилди.

Д.005.10.01 рақамли

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,
тарих фанлари номзоди, доцент


У.Хайитов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Евроосиё минтакасида стратегик мувозанатни сақлаш кейинги ўн йилликдаги энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолди. Ушбу мавзу нафақат назарий, балки кўпроқ амалий аҳамиятга эга эканлиги халқаро муносабатларда унинг долзарблигини янада кучайтиради. Чунки собиқ тизим ҳудудида табиий захиралар бўйича ер юзидаги энг бой ҳисобланган, геосиёсий нуқтаи назардан Евроосиё деб аталмиш минтақанинг юзага келиши бу ҳудудни эгаллаш учун рақобатнинг кучайиб кетишига олиб келди. Бунинг сабаби, бир тарафдан, ушбу улкан ҳудудда бутунлай янги ижтимоий-сиёсий тартибот юзага келаётганлигига боғлиқ бўлса, иккинчи тарафдан мустақил давлатларнинг ташқи дунё билан муносабатларга кириши зарурати туфайли юзага келаётган ҳодисаларга бориб тақалади. Бу жараёнда минтақадаги давлатлар у ёки бу куч ёки кучлар бирлигининг гравитацион майдони доирасига тортилиб бориши табиий. Евроосиёнинг маркази бўлган Марказий Осиё минтақаси ҳам турли кучлар билан жадал геосиёсий таъсирлашувга кириди ва ўз ўзидан у ёки бу халқаро ёки минтақавий сиёсий институт атрофида ягона сиёсий бирлик шаклида ёки алоҳида алоҳида ҳолда бирлашишга интилади. Шунингдек, Марказий Осиё республикалари ўзаро бирлашган ҳолда алоҳида сиёсий ёки ва иқтисодий тузилма барпо этишлари учун ҳам турли имкониятлар мавжуд. Бунинг учун эса аввало минтақавий ҳавфсизликни, кучлар мувозанатини таъминлашга кодир тизимни барпо этиш талаб этилади.

Бу ҳудудда мувозанат ўрнатиш мураккаб эканлигини минтақа ва унинг теварагида кечаётган воқеа-ҳодисалар мисолида осонроқ тушуниш мумкин. Югославия, Чеченистон, Украина, Қирғизистон ва Грузияда рўй берган жараёнлар, шунингдек 1999 йил 16 февраль ҳодисаси ва Андижон воқеалари айнан Евроосиёда кейинги ўн йилликларда қайтадан авжига чиққан геосиёсий рақобатнинг оқибати эканлигини намоён этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Андижон воқеасининг буюртмачилари узок хорижда эканлигини, умуман бундай воқеалар ёқилғи-энергетика захиралари мавжуд улкан минтақалар атрофида ташқи таъсир остида рўй беришини асослаб кўрсатганда стратегик мувозанат масаласи янада ойдинлашди¹. Ана шу нуқтаи-назардан бундан буён геосиёсатнинг туб моҳиятини ўрганиш, бу соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Геосиёсат муаммоларига бағишланган тадқиқотларга кўра, Евроосиёда кечаётган барча геосиёсий жараёнлар тарихан шаклланган катъий қонуният асосида минтақанинг марказига интилишга қаратилган. Бунга ўтган асрда кечган биринчи жаҳон ва иккинчи жаҳон урушлари яққол мисолдир. Бу

¹ Каримов И.А. Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтара олмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 майда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ўтказилган матбуот конференциясидаги нутқидан // Халқ сўзи, 2005 йил 17 май.

урушлар дунёни кайтадан бўлиб олиш, деб аталган бўлса-да мутлако глобал микёсда олиб борилмаган. Бу жараённинг асосий иштирокчилари географик маънодаги Евроосиё китъаси учун эмас, балки айнан геосиёсий объект сифатидаги Евроосиё минтақасини қўлга киритиш мақсадида ҳаракат қилганликларини кузатиш мумкин.

Қудратли давлатлар ўртасида кечган қирғинбарот курашлар айнан шу минтақадаги кучлар мувозанатнинг бўзилиши оқибатида келиб чиққан. Ўтган асрда авжга чиққан куруланиш пойғаси ҳам геосиёсий тадқиқотларда кўра асрлар оша давом этаётган сув ва қуруқлик кучларининг ўзаро курашини ифода этади. Қадимдан бошланган «хартланд» ва «римланд» ўртасида зиддият, бошқача айтганда, «Ер юраги»га интилиш бугунги кунда ҳам геосиёсий жараёнларни белгилаб бермоқда. Бу жараёнлар геосиёсатчилар томонидан чуқур илмий тадқиқотлар орқали ўрганилган ва бундай изланишлар кўпгина ҳарбий ҳаракатларига назарий асос бўлган. Қудратли давлатлар айнан геосиёсий доктриналар асосида ташқи стратегияларини қуришган, ташқи сиёсат борасида муҳим қарорлар айнан геосиёсатчиларнинг маслаҳатларига мувофиқ халқаро амалиётга тадбиқ этилган. Буни Буюк Британияда ўн тўққизинчи аср охири ва йигирманчи аср бошларида яшаб ўтган Х.Маккиндер ҳамда ўтган асрнинг сўнги чорагида алоҳида шов-шувга сабаб бўлган геосиёсатчилар С.Хантингтон, Ф.Фуқуяма ёки З.Бжежинскийларнинг тадқиқотлари мисолида яққол кузатиш мумкин.

С.Хантингтон турли цивилизациялар ўртасидаги тарихий рақобат сирларини айнан геосиёсий талқинда қўлга олиб, Марказий Осиёга таъсир кўрсатувчи геосиёсий кучларни кўрсатиб беради. Ф.Фуқуяма дунё бўйича ягона ҳукумат қуриш назарияси - мондиализмни тарғиб этиб барча давлатлар ягона марказга бўйсундирилиши кераклигини таъкидлайди. З.Бжежинский геосиёсий кучлар ўртасидаги рақобат сирлари воситасида замирида геосиёсий мақсадлар яширинган қонуниятларни кўрсатиб беради. Давлатлар ташқи сиёсатига таъсир кўрсатиш кучига эга бўлган олимлар, ўз назарияларини биринчи навбатда шахсий манфаатларига мос равишда ташкил этишларини таъкидлаш лозим².

Марказий Осиёнинг геосиёсий аҳамияти ва унинг хавфсизлиги тўғрисида ҳам даставвал исмлари қайд этилган хорижлик мутахассислар ва геосиёсатчилар атрофлича фикр билдиришган. Чунки Марказий Осиё китъадаги энг йирик кучлар, жумладан Россия, Хитой, Ҳиндистон ва Эроннинг ўртасида жойлашганлиги туфайли унинг турли манфаатлар тугунида эканлигини билдиради. Минтақавий хавфсизлик тўғрисидаги ҳар қандай геосиёсий тадқиқотда, минтақанинг турли геосиёсий кучлар ҳамда марказлар ўртасида жойлашганлиги эътиборга олинганлиги зарур. Бунинг учун эса геосиёсат соҳасининг назарий моҳиятини англаш, хавфсизлик категориясини эса айнан геосиёсий қонунлар асосида қуриш мақсадга мувофиқдир.

² Қатор машҳур олимлар трансмилий корпорацияларга маслаҳатчилик қилиб, катта гонорар эвазига уларнинг манфаатларини ўзлари яратган мураккаб геосиёсий комбинациялар орқали илгари суришади.

Минтакавий хавфсизлик ва стратегия масаласи илмий муаммо сифатида Ўзбекистонда фақат мустақилликка эришилгандан кейин ўрғанила бошланди. Маълумки, ҳар бир давлат мустақил ривожланиш йўлига кадам қўяр экан, ўз миллий манфаатлари тизимини аниқ белгилаб олиши, миллий хавфсизликни таъминлашнинг энг асосий тамойиллари ҳамда устувор йўналишларини ишлаб чиқиши зарур. Бунинг учун миллий ёки минтакавий хавфсизлик қандай тамойилларга асосланишини чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Хавфсизлик ҳолисасини геосиёсий асосда тадқиқ қилиш Ўзбекистонда илгари олиб борилмаганлиги туфайли, бу борада етакчи давлатларда олиб борилган изланишларга таянишга тўғри келади.

Маълумки, миллий манфаат, миллий хавфсизлик масаласи собиқ Иттифокнинг марказ қисмидаги махсус тадқиқот марказларида тегишли мутахассислар томонидан ўрганилган. Барча иттифокдош республикаларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам ижтимоий-сиёсий соҳадаги олимларнинг хавфсизлик масалаларига бўлган илмий қизиқиши у пайтда қатъий чекланган. Илмий жамоатчилик учун миллий хавфсизлик ва миллий манфаат муаммолари ёпиқ мавзу бўлиб, тадқиқотчилар ўз миллий манфаатларини четлаган ҳолда Иттифок манфаатини миллий манфаат сифатида тан олгани ва улуғлагани учун илмий даражага эга бўлган. Бир сўз билан айтганда, ўз миллий манфаатларини қанчалик англаган бўлмасин, олимлар ва тадқиқотчилар бошқа примитив йўналишларда илмий изланишлар олиб боришга мажбур бўлганлар.

Иттифокнинг парчаланиши оқибатида дунё харитасида Марказий Осиё минтақаси географик, сиёсий ҳамда иқтисодий бирлик сифатида қайтадан намоён бўлди. Уларда бир томондан миллий давлатчилик шакллариининг ривожланиши, иккинчи томондан Марказий Осиёнинг умумий геосиёсий ва геоиқтисодий салоҳияти масаласи пайдо бўлди. Минтақага етакчи кучларнинг қизиқиши кучайди. Бундай вазиятда минтақада аввалдан манфаатлари бўлган ҳамда бу ерда янгидан иқтисодий манфаати шаклланаётган етакчи кучлар Марказий Осиёни сиёсий жиҳатдан бирликда қўришдан манфаатдор эмаслиги геосиёсий қондалар призмаси орқали таҳлил қилинганида яққол намоён бўлади. Шу нуқтан-назардан стратегик мувозанат геосиёсий қондалар ва жараёнлар контекстида тадқиқ қилиниши мақсадга мувофиқдир. Зеро, етакчи кучлар у ёки бу минтақага кириб борар экан, аввало геосиёсий ва геоиқтисодий мақсадлардан келиб чиқишлари табиий. Масалан, мустақилликка эришган Марказий Осиё республикалари табиий захираларга гоятла бой мамлакатлар ҳисобланишади. Ушбу бойликларни жаҳон бозорига олиб чиқиш учун етакчи давлатлар ўртасида рақобат кечаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу жараёнда минтақадаги республикалар ўртасида мавжуд бўлган айрим зиддиятли масалалар ишга солиниши мумкин. Маълумки, Марказий Осиё республикалари айрим минтакавий масалаларнинг ҳал этилиши борасида бир хил фикрга эга эмаслар. Ушбу омиларнинг зарур пайтда ташиқи кучлар томонида ишга солиниши ва бунинг учун минтақа республикаларида турли гуруҳлар шакллантирилиши ҳам бутунги кунда сир эмас.

Стратегик мувозанат масаласи Марказий Осиё каби минтақадаги полиэтник хусусиятга эга, миллий чегаралар, сув тақсимооти каби нозик масалаларда фаркли позицияда бўлган республикалар учун жуда муҳим ва долзарб муаммо ҳисобланади. Уларнинг ҳамкорлигига асос яратувчи илмий ишлар нафақат назарий, балки кўпроқ амалий аҳамиятга ҳам эгадир.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Геосиёсий жараёнлар соҳасида Ғарбий Европа ва АҚШ геосиёсатчилари ҳамда олимлари томонидан чуқур тадқиқотлар олиб борилган. Мазкур тадқиқотда геосиёсий таълимотнинг асосчилари ҳамда уни ривожлантиришга ҳисса қўшган кўплаб олимларнинг тадқиқотлари эътиборга олинди. Булар қаторига европалик олимлар Х.Маккиндер, Р.Челлен, К.Шмидт, Р.Стойкер, В.Бланш, Ф.Науман, АҚШлик Н.Спайкмен, С.Хантингтон, А.Мэхен ҳамда З.Бжежинский каби олимларни киритиш мумкин³. Кейинги 10 йил ичида минтақавий хавфсизлик масаласида қатор илмий ишлар бажарилди, тадқиқотлар ўтказилди, китоблар ҳамда рисоалар чоп этилди.

Геосиёсий дуализмда Ғарбга рақиб бўлган Россияда ҳам геосиёсат чуқур ўрганилганлигини бу давлатнинг геостратегик мувозанатни сақлашдаги ўрни билан тушунтириш мумкин. Россияда геосиёсатнинг илмий ҳамда амалий жиҳатлари қатор олимлар томонидан ўрганилган. А.Г.Дугин, А.Дергачев, Н.А.Нартов, К.С.Гаджиев, К.Э.Сорокин, Б.А.Исаев, Т.М.Симонова, С.В.Шалагина, А.Р.Шарипов, А.Р.Тузиков ва бошқаларни улар жумласига киритиш мумкин⁴.

Марказий Осиё хавфсизлиги Президент И.А.Каримовнинг қатор асарларида тадқиқ қилинган бўлиб, тадқиқотимизда мавзуга оид асарлардан кенг фойдаланилган⁵. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти

³ Halford Mackinder "Geographical Pivot of History" // "Geographical Journal". 1904. Friedrich Ratzel, "Politische Geographie", 1887, "Einleitung", Rudolf Kjellen "Die Staat als Lebensform", 1916., Friedrich Naumann "Mitteleuropa", 1915., Vidal de la Blache "Tableau de la Geographie de la France", Paris, 1903.

⁴ Дугин А. Основы геополитики. –М.: Арктогея, 1997. Дергачев В. Геополитика. - М. 2000. Нартов Н.А. Геополитика. Учебник для вузов. -М.: ЮНИТИ 1999. Гаджиев К.С. Введение в геополитику. Изд 2, доп. и перераб. М., 2001. Гаджиев К.С. Геополитика. –М.: Международные отношения. 1997. Панарин А.С. Глобальное политическое прогнозирование. М. 2000., Дергачев В. Геополитика. Учебное пособие. М.: 2000., Гаджиев К.С. Геополитика. –М.: Международные отношения. 1997. Сорокин К.Э. Геополитика современности и геостратегия России. - М.: РОССПЭН, 1992., Б.А.Исаев. Геополитика. Учебное пособие. СПб.: Питер. 2006. Симонова Т.М., Шалагина С.В., Шарипов А.Р. Геополитика. / Учебное пособие. –Уфа.: Дизайн Полиграф Сервис, 2000. – 96 с. Тузиков А.Р. Основы геополитики. // Учебное пособие. - Казань, 1997. 1,25. п.л.

⁵ И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қаролатлари». «Ўзбекистон». 1997.. И.А.Каримов Ўзбекистоннинг етти зафарли йили. Тошкент. 1998. И.Каримов. Шавҳай ҳамкорлиги Ташкилоти бошлиқларнинг саммитдаги нутқи. 2001 й. Июнь. Ватан равнақи учун – ҳаммамиз жавобгар. Т-9, «Ўзбекистон», 2001. 375-386 б. И.Каримов. Минтақада хавфсизликни ва барқарорликни мустаҳкамлаш. Тошкентда ўтказилган Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик

хузуридаги Стратегик ва минтакалараро тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси, Миллий хавфсизлик хизмати институти, Ўзбекистон Республикаси стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, бугунги кунгача минтакавий хавфсизлик масалаларига бағишлаб ўнлаб илмий-амалий, халқаро анжуманлар ташкил этилди.

Мавзуга оид асарларга тўхталганда Президент И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари» асари бу борадаги чуқур изланиш эканлигини таъкидлаш зарур. Ушбу асар миллий ёки минтакавий хавфсизликнинг туб моҳиятини очиқ беришга, ҳар қандай давлат учун энг асосий вазифа ҳисобланмиш ушбу ҳодисанинг таъминланиши учун қандай ишлар амалга оширилиши кераклигига қаратишган. Айни пайтда, геосиёсат оид асарлар ва рисоаларнинг аксарияти минтакавий хавфсизликка бўлган бевосита хуружлар пайтида ёзилганлигини таъкидлаш зарур.

Ўз навбатида мамлакатимиз олимлари томонидан бевосита геосиёсий тадқиқотлар ҳам олиб борилганлигини таъкидлаш мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, республикамиз олимлари геосиёсат назариясига кўл урган ҳолда геосиёсий классиклар томонидан яратилган назарий қондаларга мурожаат этадилар ва ўзларининг илмий мақола, китоб ва диссертацияларида ушбу геосиёсий қондалар орқали Ўзбекистон ва Марказий Осиё атрофида кечаётган жараёнларни таҳлил этадилар (Р.Алимов, В.Парамонов, С.Саидолимов, У.Ҳасанов)⁶.

Айрим олимлар томонидан миллий манфаатлар, миллий хавфсизлик омилилари, минтакавий хавфсизлик тизимини яратишга бағишланган қатор муҳим тадқиқотлар бажарилганлигини алоҳида қайд этиш зарур. Жумладан Каримова Г.И., Жўраев С.А., Жумаев Р.З., Жўраев Т.А., Пахрутдинов Ш.И., Кузьмина Е.М., Шарاپова С.А., Косимова Н.А., Эргашев Б., Арифханов Ш., каби олимлар тадқиқотлари айнан хавфсизликнинг назарий жиҳатлари билан бирга геосиёсий жараёнларнинг амалий масалаларини камраб олганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин⁷.

масалалари бўйича семинар-кенгашидаги нутқи 15.09.1995 й. Ж-4. Т. «Ўзбекистон», 1996, 31-38 б. Каримов И. БМТнинг Бош Ассамблеядаги нутқи «Минг йиллик саммити» // Правда Востока. 2000, 12 сентябрь., Каримов И.А. Надежные гарантии нашего сотрудничества. –Т.: «Ўзбекистон». 1996. – 239 с.

⁶ Алимов Р.В. Центральная Азия: общность интересов. –Т.: Шарк, 2005 – 464 с. Парамонов В. Формирование геополитической ситуации в Центральной Азии: внешние факторы // Центральная Азия и Кавказ. – 2000 - № 1 (7). – С.156-162. С.Саидолимов. Проблемы обеспечения безопасности в Центральной Азии. «Академия» нашриёти. 2003 145 с. Хасанов У. Региональная безопасность и национальные интересы (центральноазиатский регион). –М.: Вагриус, 2004. – 192 с.

⁷ Каримова Г.И. Политико-экономический аспект интеграции Узбекистана в мировое сообщество: автореф.дис.на соиск.ученой степени канд.полит.наук. –Т. 1996.; С.Жўраев.

Республикамининг А.Хайдаров, Ш.Нуруллаева ва З.Мунавваров каби олимлари минтакавий муаммоларнинг геосийсий жихатлари билан бирга диний ва этно-сийсий негиздаги можароларга алоҳида эътибор беришлари минтакадаги геосийсий жараёнларни тўлиқроқ англашга ёрдам беради⁸.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши Академиясининг гурли кафедраларида геосийсий масалалар борасида тадқиқотлар олиб борилади. Жумладан, Ташки сийсат ва дипломатия кафедрасида геосийсий мавзуларда тайёрланган магистрлик диссертацияларида ҳам муҳим маълумотларни учратиш мумкин.⁹

Америка Қўшма Штатлари «Тошкент давлат шарқшунослик институти нашриёти». 2003 543 б. Жумаев Р.З., Убайдуллаев У.А. Хўжанов Б.А. Конфликтология асослари. – Т. «Академия», 2000, -208 б. Жўраев Т.А. Миллий давлатчилик хавфсизлик ва барқарорлик – Т. «Академия», 2007, 252 б. Жўраев Т.А. Давр парадокси ёки бепарволик оқибатлари Жамият ва бошқарув. №2. 2007 10-12 б. Паҳрулдинов Ш.И. «Таҳдид» тушунчаси: назария ва амалиёт. –Т. Абу Али Ибн Сино нашриёти. 1998 – 63 б. Паҳрулдинов Ш.И. Таҳдид - халокатли куч. -Т.: «Академия», 2001. -320 б. Кузьмина Е.М. Геополитические аспекты функционирования ЕвразЭС // Проблемы постсоветских стран – 2004. - № 6. – С.94-117. Шарапова С.А. Теория «картленда» и атлантическое общество. // Центральная Азия и Кавказ – 2005. - № 4 (40) – С.125-140. Касымова Н.А. Глобализация в мировой политике. – Т. 2004. – 143 с. Б.Эргашев Закономерность и случайность: критика теорий Маккиндера // Центральная Азия и Кавказ. – 2005. - № 4 (40) – С.98-107. Арифханов Ш. Проблемы интеграции в контексте обеспечения безопасности Центральной Азии / Центральная Азия в XXI веке: сотрудничество, партнерство и диалог: материалы международной конференции.13-15 мая 2003. – Т. Шарк. 2004. Умаров Х.П. Ўзбекистон Республикаси геосийсий ҳолатининг геостратегик хусусиятлари: Сийсий фанлар номзоди даражасини олиш учун бажарилган диссертация -Т. ДЖКА, 2004. -152 б.

⁸ Хайдаров А. Проблемы борьбы с терроризмом и современные международные отношения / Борьба с международным терроризмом, экстремизмом и сепаратизмом в современном мире: материалы конференции. –Т: ТошДШИ. 2002.. Нуруллаева Ш. Религиозный экстремизм и борьба с ним. Ўзбекистонда политология. «ШАРҚ» 2002.. Мунавваров З.И. Угроза религиозного экстремизма для центрально-азиатского региона и поиск путей ее предотвращения / Проблемы безопасности и прогресса на пороге XXI века материалы межвузовской конференции. 20-21 мая 1998. –Т.. 1999 –С.13-22. Хидоятов Г.А. Безопасность и сотрудничество в Центральной Азии: проблемы, поиски, решения. Халқаро муносабатлар №3. 2001 г. С. 53-65.

⁹ М. Саидов. Ўзбекистон Республикасининг геосийсий ва геостратегик жихатлари. Магистрлик диссертацияси. -Т.: «Академия», 1998. - 75 б. Гулибоев Х.Э. Марказий Осиё ўзига хос геосийсий минтака. Магистрлик диссертацияси. -Т.: «Академия», 1998. - 70 б. Саримсоков Т.Ю. Ўзбекистон Республикаси геосийсийсатида давлат манфаатлари. Магистрлик диссертацияси. -Т.: «Академия», 1999. - 77 б. Абдуллаев А.А. Ўзбекистон ҳозирги замон геосийсий тизимида. Магистрлик диссертацияси. -Т. «Академия», 2001. - 72 б. Исмоилов В.В. Очик сув йўлларига чиқиш геосийсий жихати, чора-тадбирлар тизими ва амалиёт. Магистрлик диссертацияси. -Т.: «Академия», 2002. - 69 б. Муитов Д.С. Худудий яхлитлик муаммоси: геосийсий таҳлил тажрибаси (Ўзбекистон мисолида). – Т. 2003. 258 б. Хўжамқулов А.А. Марказий Осиё геосийсийсатида Хитой омили. Магистрлик диссертацияси. - Т. «Академия», 2004. - 72 б. Каримов Ф.Ф. Марказий Осиё геосийсийсатида Россия омили. Магистрлик диссертацияси. -Т.: «Академия», 2004. - 68 б. Салихов М.К. Ўзбекистоннинг

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёнинг минтакавий хавфсизлиги маҳаллий ва қўшни республикалар олимлари томонидан турли жиҳатларда алоҳида-алоҳида тадқиқ этилган бўлсада, геосиёсий жараёнлар талқинида тўлақонли назарий таҳлил қилинганлигини таъкидлаш қийин. Бошқача қилиб айтганда, олимлар томонидан мавзуга тегишли масалалар геосиёсий жараёнларнинг амалий қирраларини тадқиқ қилишга бағишланган. Масалан, Афғонистонда 20 йилдан ортиқ кечган уруш ҳаракатлари хартланд ва римланд ўртасидаги зиддият маҳсули ёки геосиёсий дуализмнинг бир бўғини эканлигини назарда тутган тадқиқотлар учрамайди.

Мазкур муаммо аввало Ер юзидаги геосиёсий қучлар ўртасидаги стратегик мувозанатнинг Марказий Осиёнинг хавфсизлик гизимига бўлган таъсири нуқтаи-назаридан таҳлил этилади. Марказий Осиё минтакавий хавфсизлиги минтака атрофида кечаётган геосиёсий жараёнларнинг ҳаракатига боғлиқ эканлиги тадқиқотнинг негизини ташкил этади. Шу нуқтаи-назардан асосий эътибор геосиёсий таълимотнинг шаклланган қондаларини назарий жиҳатдан ўрганиш, (ушбу қондаларни) миллий манфаатлар нуқтаи-назаридан минтака атрофида кечаётган сиёсий жараёнларга тадбиқ этиш ва илмий ҳулосалар масаласига қаратилди.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва Илмий Кенгашнинг 2005 йил 27 декабрь йиғилишида тасдиқланган (Илмий Кенгаш Баённомасининг 9-сонли қарори, 9.3 банди).

Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари. Ҳозирги геосиёсий жараёнлар таъсирида Евроосиё стратегик мувозанати асосларини яратиш тадқиқотнинг асосий мақсади ҳисобланади. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун бажариладиган вазифалар куйидагилардан иборат:

- Евроосиё стратегик мувозанатини очиб бериш мақсадида бу минтаканинг географик ва геосиёсий моҳиятини очиб бериш;
- геосиёсий Евроосиё минтақаси ва географик Евроосиё қитъасининг илмий-назарий асосларини кўрсатиб бериш;
- Евроосиёдаги сиёсий жараёнлар призмаси орқали геосиёсий таълимотнинг илмий-назарий моҳиятини таҳлил қилиш;
- геосиёсий рақобат маҳсули натижасида яратилган амалий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган илмий оқимларнинг моҳиятини очиб бериш;
- геосиёсий жараёнларнинг моҳиятини очиб бериш орқали минтакавий хавфсизлик асосларини кўрсатиб бериш;
- геосиёсий жараёнлар борасида олиб борилган илмий тадқиқотларни Евроосиёдаги геостратегик мувозанат призмаси орқали талқин қилиш;

геосиёсий, геонитисолий салоҳиятида нефть ва газ фойдаланиш маламаларининг тулган ўрни. Магистрлик диссертацияси. -Т.: «Академия», 2006 - 77 б.

- Марказий Осиё атрофидаги геосиёсий жараёнлар Евроосиё маркази учун олиб борилаётган хартланд ва римланд қарама-қаршилигининг бир бўғини сифатида таҳлил этиш;
- Марказий Осиё республикаларининг геосиёсий аҳамиятини таҳлил қилиш;
- Марказий Осиё минтақасига таъсир қилувчи геосиёсий жараёнларни аниқлаш;
- Марказий Осиё республикалари ўртасидаги ҳамкорлик асосларини белгилаш;
- Минтақадаги стратегик мувозанатнинг ташқи ва ички сиёсий омилларини кўрсатиб бериш.

Тадқиқот ишининг объекти этиб Европа, АҚШ ва МДХда геосиёсат соҳасида олиб борилган илмий изланишлар асосида Евроосиё минтақасида яратилган стратегик мувозанатнинг илмий-амалий моҳияти, Евроосиё марказини эгаллашга қаратилган стратегик дастурлар ва уларни амалга ошириш йўллари, Евроосиёда ўрнатилган стратегик мувозанатнинг минтақавий хавфсизликка таъсири, Марказий Осиё минтақасининг геосиёсий аҳамияти, бу ҳудуддаги республикаларнинг сиёсий, демографик, иқтисодий хусусиятлари, минтақада стратегик мувозанатнинг ички, ташқи асослари ва институционал масалалари танлаб олинди.

Тадқиқот ишининг предмети эса ҳозирги геосиёсий жараёнлар талқинида Евроосиё стратегик мувозанати асосларини аниқлаш ҳамда истиқболли асосларни ишлаб чиқиш, зарурий илмий асосларни яратиш билан боғлиқ масалалар белгиланди.

Тадқиқотнинг ишининг назарий ва услубий асослари. Ушбу тадқиқотни амалга оширишда турли услуб ҳамда ёндашувлардан фойдаланилди. Илмий муаммо даставвал назарий жиҳатдан асосланди. Шу нуқтаи-назардан тадқиқотнинг асосий қисмида назарий таҳлил услубидан фойдаланилди. Диссертация ишида Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигининг асослари китъа микёсида кечаётган геосиёсий жараёнларга боғлаб тадқиқ этилди. Бошқача қилиб айтганда, турли геосиёсий мактаблар, турли минтақалардаги жараёнлар ўзаро қиёсий таҳлил этилди. Мазкур ёндашувнинг негизи қиёсий таҳлил услуби бўлиб, у диссертация ишида кенг қўлланилган.

Айни пайтда, тарихий ёндашув ҳам тадқиқотнинг марказий услубларидан бири ҳисобланади. Зеро, тарихий нуқтаи назардан талқин қилингандагина бугунги геосиёсий жараёнларнинг туб моҳиятини очиқ бериш мумкин.

Бундан ташқари, муаммонинг тўлиқ ёритилишида илмий ёндашувнинг диалектик усулидан фойдаланилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Бунинг сабаби мавзуда кўтарилган масалалар нафақат назарий, балки кўпроқ амалий аҳамиятга эга эканлиги билан ажралиб туради. Тадқиқотда минтақа атрофидаги жараёнларнинг негизида қандайдир геосиёсий қонуниятлар қузатилишига эътибор қаратилади.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар.

1. Евроосиё минтақасининг маркази дунёдаги етакчи кучлар ўртасидаги геосиёсий рақобат объектидир. Бу ҳудудни эгаллаш минг йиллардан бери давом этиб келаётган сув ва қуруқлик ўртасидаги геосиёсий дуализмни ифода этган геосиёсий қоидага асосланади. Ушбу геосиёсий дуализм асосида геосиёсат фан соҳаси вужудга келган. Шу соҳа негизида хартланд, римланд, талассократия, теллурукратия, конвергенция, мондиализм, евроосиёчилик, континенталчилик ва ҳақозо геосиёсий қоидалар яратилган.
2. Евроосиёда ўрнатиладиган давлатлараро муносабатларнинг икки геосиёсий куч, яъни денгиз ва қуруқлик ўртасидаги зиддиятни ифода этади. Бу зиддият геосиёсий қоидаларга кўра, тарихий мазмунга эга бўлиб, Евроосиёдан бошқа қитъалардаги стратегик кучларни ҳам ана шу минтақа марказини эгаллаш томон қорлайди.
3. XXI аср геосиёсати уруш стратегияларини ишлаб чиқувчи эмас, балки стратегик мувозанатни сақлашнинг илмий ва амалий асосларини яратишга хизмат қилиши лозим. Шу нуқтаи-назардан, геосиёсатдаги Евроосиёнинг марказини эгаллаш, “Ер юраги”ни забт этиш, Ер юзига ҳукмронлик қилиш тўғрисидаги қоидаларга қарама-қарши Евроосиёда мувозанат ўрнатиш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш янги аср геосиёсатининг асоси бўлиши керак.
4. Геосиёсат соҳасининг негизини ташкил этган кучлар мувозанати ва рақобати сирлари шу фан яратилгандан буён халқаро муносабатларда рўй бериб келаётган жараёнларни белгилаб беради. Евроосиё стратегик мувозанатининг моҳияти, Евроосиёнинг ҳудудий чегаралари борасида яратилган илмий доктриналар асосида муҳим назарий ва амалий ҳулосалар яратилган.
5. Ўтган асрнинг сўнгги чорагига келиб айниқса авжига чиққан геосиёсий рақобат узок вақт давомида ўрнатилган, мустақкам назарий асосга эга бўлган геосиёсий асос мавжудлигини назарда тутмоқда. Мумтоз геосиёсат таълимотларида “ким heartlandда устунлик қилса “дунё ороли”да устунлик қилади; кимки “дунё ороли”да устунлик қилса дунё миқёсидаги устунликка эришади” деган қоидалар бутунги геосиёсий жараёнларни ҳам белгилаб беради экан, стратегик мувозанатни барча етакчи кучлар аъзо бўлган БМТ, ЕврАзЭС, ШХТ ва ЕХХТ каби халқаро тузилмалар орқалигина ўрнатиш мумкин.
6. Евроосиёнинг географик ҳамда геосиёсий моҳиятининг, мумтоз геосиёсий таълимотларнинг таҳлиliga кўра, замонавий сиёсий жараёнларнинг асосий мазмунини ташкил этган “римланд”, “хартланд” тушунчалари ўз долзарблигини йўқотмаганлиги намён бўлмоқда.
7. Ўтган аср бошида Европадаги етакчи давлатларга хос бўлган, кейин эса уни давом эттирган айрим етакчи давлатлар геосиёсатида Евроосиёда устунлик қилиш билан дунё тақдирини ўз қўлига олишга қаратилган

- коидани яққол кузатиш мумкин. Бундай геосиёсатни чуқур англаган Президент И.Каримов “Ушбу тарихий тажриба шундан далолат берадики, катта сиёсатга интилаётган. бошқа халқларни камситиш ва чеклаш асосида ўз халқига фаровонлик яратиш беришга ва шу ҳолатни сақлаб туришга ҳаракат қилаётган сиёсатчилар ва шахсларнинг хатти-ҳаракатларини ҳеч қандай олижаноб ниятлар билан оқлаб бўлмайди. Шунга қарамай, ҳозирча бундай ҳуружлар ва мавжуд ва жуда сезиларли. Уларни эрдан чиқармаслик ва ҳушёр туриш зарур”¹⁰ эканлигини таъкидлайди. Бундай ҳолатда БМТ бошчилигида барча манфаатдор кучларнинг ҳамкорлиги орқалигина стратегик мувозанат ва тинчликни сақлаш мумкин.
8. Евроосиёнинг геосиёсий тақдирида Марказий Осиё айниқса муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Етакчи кучлар кейинги ўн йилликларда айнан Евроосиёнинг марказида жойлашган стратегик муҳим минтақа - Марказий Осиё атрофида ўзларининг сиёсий позицияларини белгилаб олмақдалар. Шу нуқтага назардан, Марказий Осиёнинг стратегик аҳамияти ошиб кетиши билан бирга, бу минтақа нафақат ўз доирасида, балки ер юзидаги етакчи кучлар манфаатлари туташадиган нуқтага айланди. Бундай вазиятда минтақавий сиёсий институтларга бирлашган ҳолда минтақадаги стратегик мувозанат асосларини яратиш ҳаётий аҳамиятга эгадир.
 9. Минтақадаги кучлар мувозанатига таъсир қиладиган ташки ва ички омиллар мавжуд бўлиб, улар алоҳида алоҳида ёки бир бутун ҳолда минтақа барқарорлиги ёки, бошқача айтганда, кучлар мувозанатини белгилаб беради. Евроосиё стратегик мувозанатининг ташки омиллари бевосита шу ҳудудга тегишли бўлмаган, аммо ўз миллий манфаатларини шу минтақада ёки унинг теъарағида ҳимоя қилишга интилаётган стратегик кучлар, бошқача айтганда қудратли давлатларга кўп жиҳатдан боғлиқ.
 10. Евроосиё стратегик мувозанатининг ички омиллари эса бевосита шу ҳудудда жойлашган, ўзаро ҳамкорлик қилишга ҳаракат қилаётган ташки омилга қарши бирлашиб стратегия ишлаб чиқишга ҳаракат қилаётган давлатларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, Евроосиё стратегик мувозанатининг икки турли институционал омиллари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси қудратли давлатлар ҳам аъзо бўлган БМТ, НАТО, ЕХҲТ каби халқаро сиёсий институтлар Евроосиёдаги давлатлардан кўра кўпроқ ташки кучларнинг манфаатларига хизмат қилади. Бундан ташқари, минтақавий асосдаги ЕврАзЭС, ШХТ, КХШТ каби минтақавий институтлар эса минтақа давлатларининг манфаатларини ифода этади.
 11. Евроосиё стратегик мувозанатининг негизида бир ёки бир неча давлатдан иборат коалициянинг стратегик мувозанат ўрнатиши мураккаб бўлганлиги туфайли, ҳам ташки, ҳам ички омилларнинг геосиёсий рақобатини халқаро меъёрлар асосида тартибга соладиган институционал омил бу минтақада

¹⁰ И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Ҳавфсизликка таҳдид. барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». –Т.: Ўзбекистон. 1997. –Б.52.

барқарорлик ва мувозанатни сақлаб туради. Шу жihatдан харбий характердаги сиёсий институтлар эмас, балки иктисодий, сиёсий ва гуманитар жihatларга эътибор берган ҳолда ҳолда халқаро сиёсий институтлар родини кучайтириш талаб этилади. Халқаро сиёсий институтларнинг қудратли қучлар таъсирига тушиб қолишини, минтақадаги заиф давлатларнинг минтақадан ташқаридаги қудратли давлатлар таъсирига тушиб қолишини олдини олиш мақсадида минтақадаги давлатлар ўртасида икки томонлама ўзаро манфаатлари ҳамкорликни кучайтириш талаб этилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертация ишида биринчи марта Евроосиё стратегик мувозанати масаласи қўлга олинади ва стратегик мувозанатнинг илмий-назарий жihatлари таҳлил этилади. Шу нуқтан-назардан:

- мавзу доирасида Евроосиё стратегик мувозанати борасида яратилган илмий мактабларда яратилган назарияларни таҳлил этишга эришилган;
- Евроосиёнинг геосиёсий тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнаган давлатларнинг геосиёсатига асос бўлган институтлашган шаклдаги илмий доктриналарнинг мазмун моҳиятини очиб беришга эришилган;
- атлантизм ва унга қарама-қарши шаклланган континентализм мактабларининг шаклланиши ва ривожланиши, уларнинг Евроосиёга қаратилган қонуниятлари ва қондалари кўрсатиб берилган;
- Евроосиё марказига қаратилган геосиёсий рақобат жараёнларининг Марказий Осиё барқарорлигига кўрсатадиган салбий оқибатлари омиллари кўрсатиб берилган;
- стратегик мувозанат борасида яратилган Буюк Британия геосиёсий мактаби намоёндалари, Америкада яратилган геосиёсий доктриналар, Германия, Франция, Россия ва ҳақозо давлатларда яратилган мумтоз илмий қарашлар ва уларнинг шу давлатлар ташқи сиёсатида акс этишининг назарий жihatлари очиб берилган;
- диссертация ишида қудратли давлатларнинг институтлашган шаклда Евроосиё марказига қарата қилишларининг қонуниятлари очиб берилди ва бунинг исботи сифатида асосий халқаро ташқилотларнинг фаолият йўналишини ифода этган мондиализм ва конвергенция назарияларининг негиздаги асосий мақсадлар кўрсатиб берилди;
- диссертация ишида Евроосиё стратегик мувозанатини тадқиқ этиш баробарида геосиёсат соҳасининг илмий қонунилари, қондалари ва атамаларини Ўзбекистон фанига олиб киришга эришилган;
- диссертацияда геосиёсий доктриналарни ўрганиш асносида Евроосиёнинг маркази бу “Ернинг юраги”, “Ернинг географик ўқи” жойлашган ҳудуд эканлиги аниқланган ва бу ҳудуд айван Марказий Осиёни камраб олганлиги исботланган;
- кўрсатиб ўтилган илмий доктриналар ва назарияларни таҳлил қилиш ва кейинги йигирма йил давомида яратилган илмий доктриналар ва сиёсий

жараёнларни таҳлил этиш натижасида халқаро сиёсий институтлар фаолияти ва сиёсий жараёнлар хусусан Марказий Осиё атрофида рўй бериши асослаб берилган;

- диссертациянинг амалий янгилиги сифатида шуни алоҳида эътироф этиш керакки, Марказий Осиё Евроосиё стратегик мувозанати омили сифатида асослаб берилди. Бунда кейинги йигирма йил ичида Марказий Осиё атрофида кечаётган геосиёсий рақобатнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб берилган;
- диссертацияда Евроосиёдаги кучлар мувозанати, унинг марказида жойлашган Марказий Осиё атрофидаги мувозанатга боғлиқлигини, бу минтақалаги мувозанат эса Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати билан ҳамбарчас боғлиқ эканлиги минтақа атрофида кечаётган геосиёсий жараёнлар асосида исботлаб берилди;
- Евроосиё стратегик мувозанатида Марказий Осиёнинг ўрни ва бу ерда Ўзбекистоннинг ўрни кўрсатилар экан, миллий манфаатларимиз нукта-назаридан минтақанинг стратегик истиқболи асослари ишлаб чиқилган ва кенг камровли хулосалар берилган.

Диссертация иши натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти:

- Мазкур диссертация орқали Ўзбекистон фанига геосиёсий назариянинг илмий аппарати қириб келганлигини қайд этиш мумкин;
- Илмий доктриналар ва таълимотларни таҳлил этиш натижасида Ўзбекистон геосиёсатининг илмий қонуниятлари, атамалари ишлаб чиқилган. Шу нукта-назардан, мазкур диссертация ишида кенг ўрин берилган геосиёсат соҳасининг назарий методологик асослари унинг илмий қийматини янада оширишга хизмат қилади;
- Диссертация ишида геосиёсат соҳасининг генезиси, яратилган қимматли геосиёсий назарияларнинг таҳлил этилиши ва миллий манфаатларимизга алоқадорлигининг илмий жиҳатдан асослаб берилиши бугунги даврга мос янги услуб ҳисобланади;
- Диссертация ишида ишлаб чиқилган геосиёсий қоидалар ёрдамида Марказий Осиё атрофида кечаётган сиёсий жараёнлар моҳиятини тушуниш имконияти, унинг амалий аҳамиятининг юксак эканлигини намоён этади;
- Диссертацияда яратилган илмий хулосалар Ўзбекистон ташқи сиёсатини белгилашда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилади. Бу хулосалар мамлакатимиз атрофида рўй бераётган сиёсий жараёнларни бошқаришда, мамлакатимиз ичида фаолият олиб бораётган халқаро сиёсий институтлар билан муносабатларда ўзига хос қўлланма вазифасини ўтайди.
- Евроосиёда Марказий Осиёнинг, Марказий Осиёда эса Ўзбекистон геосиёсий аҳамиятининг очиб берилиши мамлакатнинг стратегик позициясини белгилашда, халқаро муносабатларини аниқлаш ва ривожлантиришга хизмат қилади;

- Диссертация илмий ходимлар, аспирантлар ва тадқиқотчилар учун жиддий илмий манба бўлиб, манфаатдор институтлар ва давлат идоралари учун назарий қўлланма вазифасини ўтайди;
- Диссертация иши Ўзбекистон илм-фани назарияси учун янги бўлган геосиёсатнинг илмий аппаратыни ўзида мужассам этганлиги туфайли янги-янги илмий тадқиқотларга йўл очди ва бу диссертация негизда диссертациялар, дастурлар ёзилиши ҳамда китоблар яратилиши мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертация 8 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтакалараро тадқиқотлар институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Инглиз ва чет тиллар институти (Ҳиндистон), Индиана Университети (АҚШ), Гарвард Университети (АҚШ) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши Академиясида олиб борилган илмий тадқиқот натижаси ҳисобланади. Тадқиқотчи Марказий Осиё Тадқиқотлари Жамиятининг 2003 йилда Гарвард университетиди (Бостон, АҚШ) ташкил этилган IV ва 2004 йилда Индиана университетиди (Блумингтон, АҚШ) ташкил этилган V халқаро конференцияларида иштирок этган. Диссертант 1999-2007 йиллар орасида нашр этилган 30 дан ортиқ илмий мақола ва 6 та китоб муаллифи. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши Академиясида геосиёсат ва халқаро муносабатлар фанларидан дарс берган.

Тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтакалараро тадқиқотлар институти, Туркия Республикаси Доғуз Эйюл Университети, Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги Инглиз ва Чет тиллар Институтида тўплаган тажриба, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида йиллар давомида олиб борилган илмий тадқиқот натижаси ҳисобланади. Бу тадқиқот асосида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти» мавзусида маърузалар магн чоп этилган 1999 - 2003 йиллар давомида шу университетнинг халқаро муносабатлар ва халқаро ҳуқуқ факультетларида маърузалар ўқилган. 2003-2004 йилларда АҚШнинг Индиана Университети, Ички Осиё ва Урал тадқиқотлари марказида, 2004 - 2005 йилларда эса Гарвард Университетининг Россия ва Евроосиё тадқиқотлари марказининг Марказий Осиё бўлимида мазкур тадқиқот давом эттирилган ва унинг хулосалари асосида бир неча халқаро конференцияларда иштирок этилган.

Тадқиқотнинг синондан ўтказилиши. Тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси “Ташки сиёсат ва дипломатия” кафедрасининг йиғилишида (2006 йил 26 январь), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси Ихтисослашган Кенгаш қошидаги илмий-назарий семинарида (2006 йил 19 июнь 4-сонли баённома), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси “Ташки сиёсат ва дипломатия” кафедраси ва Миллий манфаатлар кафедраларининг қўшма

илмий-назарий семинарида (2006 йил 18 ноябрь 7-сонли баённома), Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Ижтимоий-сиёсий фанлар кафедраси ва Сиёсий менеджмент ва халқаро журналистика кафедраларининг қўшма илмий-назарий семинарида (2007 йил 19 июнь, 11-сонли баённома), Жаҳон иктисодиёти ва дипломатия университети халқаро муносабатлар факультети Муаммовий Кенгашининг “Сиёсий фанлар” бўйича ташкил этилган илмий-назарий семинарида (2007 йил 21 июнь, 5-сонли баённома), Мирзо Улуғбек номи Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети политология кафедрасида ташкил этилган илмий-назарий семинар йиғилишида (2007 йил 25 июнь 17-сонли баённома) муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг чоп этилганлиги. Диссертацияга оид умумий ҳажми 50 босма табоқдан ортиқ ҳажмда 30 дан ортиқ илмий ишлар эълон қилиниб, илмий мақолалар республиканинг тегишли илмий журналларида нашр этилган.

Ишнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация “Кириш”, тўрт боб, ўн икки параграф, “Хулоса” ва “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”ни ўз ичига олган бўлиб, умумий ҳажми 285 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисми мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, назарий ва амалий ахамияти, тадқиқот объекти, предмети, илмий услуби, асосий манбаларни ўз ичига олган.

Биринчи боб **“Евроосиё стратегик мувозанатини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари”**, деб номланган бўлиб, унда Евроосиё стратегик мувозанати тушунчасининг моҳияти геосиёсий назария нуктаи-назаридан очиқ берилади.

Дастлабки бобнинг **“Евроосиё стратегик мувозанати: тушунча ва моҳият”** деб номланган биринчи параграфида геосиёсий тадқиқотларга кўра Евроосиёда кечаётган барча геосиёсий жараёнлар тарихан шаклланган катъий қонуният асосида китъанинг марказига интилишга қаратилганлиги очиқ берилади. Ушбу параграфда даставвал географик Евроосиё билан геосиёсий Евроосиёнинг фарқи кўрсатилиб, кейингиси китъанинг марказий қисмини аниқлашга эътибор қаратилади. Евроосиё бу икки китъа, Европа ва Осиёдан иборат материкдир. Геосиёсатда Евроосиёни ягона китъа сифатида талқин этувчи геосиёсатчи олимлар уни «Континентал масса», «Евроосиё континенти», «Ер», «Евроосиё материги», «Heartland», «Россия», Собик Совет давлати, «Теллурукратия», «Қуруқлик» сифатида талқин этишади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, геосиёсатда Евроосиё соф географиядаги Евроосиё тушунчасини аниқламайди. Ушбу фан қоидалари нуктаи-назари бўйича Евроосиё Ернинг марказий қисмини эгаллаган қуруқлик бўлиб, бўлиш майдонлиги туфайли ягона китъани аниқлатади. Бироқ геосиёсий мазмундаги Евроосиё “Ернинг юраги” ёки “Ернинг ўқи” деб ном олган, яъни Марказий Осиё, Россиянинг Марказий Осиёга туташ қисми, Эроннинг шимолий шарқий қисми, Хитойнинг ғарби, Афғонистон ва Покистоннинг бир қисмини ўз ичига олган ҳудудни аниқлатади.

Шу нуктаи назардан Евроосиё стратегик мувозанатига доир илмий изланишлар ва амалий стратегияларнинг аксарияти ғарчи бутун китъага қаратилган. Аммо тадқиқотлар синчиклаб ўрганилгани сари, стратегиялар амалий ҳаракатларга кўчиши жараёнида Евроосиёнинг чекка ҳудудлари ўз ахамиятини йўқота боради ва асл мақсад минтақанинг марказига интилиш эканлиги тобора намоён бўла боради. Геосиёсатчи олимлар яратган илмий тадқиқотлар кўпгина харбий ҳаракатларининг назарий асоси бўлиб хизмат қилган.

Шу нуктаи назардан минтақадаги стратегик мувозанат Ғарб ва Шарқдаги икки қуч, яъни атлантизм деб ном олган Англо-саксон дунёси ва континентализм деб ном олган Россияга боғлиқ ҳолда қадимдан давом этиб келаётган денгиз ва қуруқлик рақобатини ифода этади. Ғарбда яратилган геосиёсий доктриналар ва қудратли давлатлар тарафидан амалга оширилган Евроосиёни эгаллашга қаратилган амалий стратегиялар замирида шу давлатларнинг бир ёклама манфаати ётган бўлса-да, улар ханузгача халқаро

хамжамиятнинг манфаатларини инкор этган ҳолда Ғарб давлатларининг ташки сиёсатини белгилаб бермоқда. Евроосиёнинг стратегик мувозанати деганда нафақат шу икки куч, балки дунёда янгидан пайдо бўлаётган кудратли давлатларнинг шу минтақага қаратилган геосиёсати ҳам тушунилади.

Евроосиё стратегик мувозанати нафақат Англо-саксон дунёси ва Россия ўртасидаги рақобатга, балки шу минтақа теварагида жойлашган давлатларнинг сиёсий позицияларига ҳам боғлиқ. Чунки Марказий Осиё китъадаги энг йирик кучлар, жумладан Россия, Хитой, Ҳиндистон ва Эроннинг ўртасида жойлашганлиги туфайли унинг турли манфаатлар тугунида эканлигини бирдиради. Бу эса Евроосиё стратегик мувозанатининг мураккаб эканлигини намоён этади. Шу нуктаи назардан, кучлар рақобати ва мувозанатига бағишланган ҳар қандай тадқиқот айнан геосиёсий нуктаи-назардан қўлга олиниши кераклигини намоён этади. Бунинг учун эса аввало геосиёсий фаннинг туб моҳиятини англаш ҳамда минтақавий хавфсизлик тизимини шу фанга тегишли қоидалар асосида қуриш мақсадга мувофиқдир.

Сиёсий фаннинг муҳим соҳаларидан бири бўлган геосиёсатнинг халқаро муносабатларда, айниқса давлатлар ўртасида стратегик мувозанатни сақлашдаги амалий аҳамияти ўтган асрда кўпроқ намоён бўлди. Лекин шунга қарамадан ҳозирга қадар геосиёсатни илмий йўналиш сифатида легитимлаш масаласи охиригача ҳал этилгани йўқ. Кўпгина олимлар геосиёсатни фан деб аташса, айримлар уни мафқуралашган ташки сиёсат дея баҳо беришади¹¹. Бунинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари бор. Шунга қарамадан геосиёсат, халқаро муносабатларда муҳим ўрин эгаллаётганлигини ҳеч ким инкор эта олмайди ва шу туфайли унинг туб моҳиятини тадқиқ этиш, Марказий Осиё атрофида кейинги йилларда рўй бераётган геосиёсий жараёнларни англаш нуктаи-назаридан айниқса муҳимдир.

“Евроосиё стратегик мувозанати мумтоз геосиёсий тадқиқотлар объекти”, деб номланган иккинчи параграфда эса мавзуга доир чуқур изланиш олиб борган мумтоз геосиёсатчилар таълимотлари қўлга олинади. Шу мақсадда геосиёсатда «органистик мактаб»га асос солган Фридрих Ратцел (1844-1904) таълимоти ва у ишлаб чиққан истило қонунни таҳлил этилади.

Бундан ташқари Евроосиёда стратегик мувозанат ўрнатишнинг ўзига хос тартибини тақлиф этган немис олими Карл Хаусхоффер, Карл Шмитт (1888-1985) қарашлари, геосиёсат тушунчаси илк бор швед олими Рудольф Челлен (1864-1922) каби олимларнинг тадқиқотлари мавзуга боғлиқ ҳолда ўзаро қиёсланади.

Ушбу параграфда Евроосиё стратегик мувозанатига жиддий таъсир кўрсатган инглиз геосиёсий мактаби намоёндаси Х.Макиндер таълимоти алоҳида қўлга олинади. У халқаро муносабатларга жиддий таъсир этган ва Англия сиёсатида олғи мартабага эришган сиёсий арбобдир. У дунё сиёсий тарихини талқин этишда ўзига хос мажмуа яратган машҳур шахсдир. Денгиз

¹¹ Т.Жўраев. Миллий давлатчилик хавфсизлик ва барқарорлик. –Т.: Академия, –Б 86.

кучлари ва куруқлик кучлари ўртасидаги карама-каршилиқ бундан икки аср илгари қандай бўлган бўлса бугунги кунда ҳам худди шу даражада давом этмоқда. У илгари сурган гоё бўйича Ернинг юрагига томон юриш ва унга қаршилиқ қўрсатиш бир он бўлсада тўхтагани йўқ. Буни айниқса кейинги йилларда Марказий Осиё атрофида кечган жараёнлардан ҳам яхши тушуниб олиш мумкин.

Шундай қилиб Евроосиёдаги стратегик мувозанатнинг ўн тўққизинчи асрдан бошлаб жуда долзарб масалага айланганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бунинг дастлабки сабаби Буюк Британиянинг қудратли денгиз мамлакатига айланганлигига бориб тақалар экан. Буюк Британия қудратидаги денгиз омили уни Евроосиёни барча тарафдан қуршаб олган ҳолда унинг маркази томон етаклар экан, инглиз геосиёсатчилари ва олимлари Ернинг юрагини эгаллаш асосий мақсад эканлигини яширмаганлар. Бунинг учун улар турли режалар ишлаб чиқилган ва илмий доктриналар яратганлар. Энг машҳур ва самарали концепциялардан бири сифатида Х.Макиндернинг «Ер юрагини эгаллаш» тўғрисидаги мажмуасини қайд этиш мумкин. Россия (Евроосиё)ни Лена дарёсидан бошлаб иккига бўлиш ва унинг ортидаги ерларни Россиядан ажратиш. Шимолий муз океанидан бошланиб Ҳинд океанига қадар чўзилган «Ернинг ўқи» атрофида кечадиган жараёнларни бошқариш режаси ҳам айнан Х. Макиндерга тегишли бўлган.

Буюк Британиянинг бундай ҳавфли қудратини енгиш ва бутун Евроосиёда ўзига хос тартиб ўрнатиш эҳтиёжи ва иқтисодий имконияти қучайиб бораётган Германия инсоният тарихида энг мудҳиш жиноят саналган иккита жаҳон урушига сабаб бўлдилар. Германиянинг бундай геосиёсатини назарий жиҳатдан асослаш учун Ф.Ратцель ва К.Хаусхоферларнинг илмий меросини қайд этиш мумкин. Ф.Ратцель «Истило қонуни»ни яратган бўлса, К.Хаусхофер айнан илмий қарашлари фашизмга хизмат қилганликда айбланган ва умрининг охиригача жамиятдан ажралиб хор-зорликда яшаган.

Демак Евроосиёда ўтган асрда икки марта зўравонлик билан стратегик мувозанат ўрнатишга уриниш бўлиб ўтган ва унинг сўнгида яна 45 йил давом этган «Совук урушни» бошлаб берган. «Совук уруш» даврида ҳам Евроосиёни ҳар томонлама бўғиб олиш учун «Анаконда стратегияси» сингари Евроосиёнинг марказини эгаллашга қаралинган ўта мураккаб концепциялар амалга оширилган. Варшава Шартномаси тизимининг парчаланиши ана шу стратегиянинг амалга оширилиши натижаси бўлган. Шўро тизимининг трансформациясига олиб келган геосиёсий жараёнлар Евроосиёда геосиёсий дуализмнинг яқун топишига эмас, балки янги кўринишдаги стратегик рақобатнинг ривожланишини бошлаб берди.

“Евроосиё мувозанати борасида континентализм ва атлантизм мунозарасининг моҳияти”, деб номланган учинчи параграфда муаммони таъкиқ этиш зарурияти асослаб берилди. Аввало шуни таъкиқлаш керакки, стратегик мувозанат мавзусини таъкиқ этиш ўтган асрда икки жаҳон урушини ва бугунги кунда қучайиб бораётган минтақавий можароларнинг олдини

олишга, Евроосиёнинг тақдири хусусида муҳим ҳулосалар яшашга ёрдам беради. Шунинг эътиборига олиш керакки, Евроосиёда стратегик мувозанат ўрнатиш, бу китъанинг геосиёсий тақдири доимо америкалик геосиёсатчилар ва олимларнинг диққат марказида бўлган. Бундай қарашларнинг асосчиларидан бири – бу Америкалик геосиёсатчи Альфред Мэхэн ҳисобланади. Мэхэннинг 1890 йилда нашр этилган «Тарихда Денгиз кучлари» (1660-1783)¹² деб номланган илк асари ҳарбий стратегия бўйича ноёб қўлланмага айланган. Бироз танаффусдан сўнг унинг «Денгиз Кучининг Француз инқилоби ва империясига таъсири» (1793-1812)¹³, «Американинг ҳозирда ва келажакда Денгиз кучларига эҳтиёжи»¹⁴, «Осиё муаммоси ва унинг халқаро сиёсатга таъсири»¹⁵ ҳамда «Денгиз кучлари ва унинг урушга муносабати»¹⁶ каби бошқа асарлари нашрдан чиқади. Деярли барча китоблари ягона «Денгиз Кучи» - Sea Power мавзусига бағишланган А.Мэхэннинг номи ушбу атама билан синоним бўлиб қолган.

Ўз фаолиятини Евроосиёда стратегик мувозанат ўрнатишга бағишлаган америкалик олимлардан бири – бу Николас Спайкмен ҳисобланади. Спайкмен геосиёсатни халқаро сиёсат амалиётида қўлланиладиган муҳим қурол, энг самарадор стратегияни ишлаб чиқиш имконини берадиган тахлилий услуб ва формулалар тизими ҳисоблаган. Унинг фикрига кўра Heartland эмас, балки Rimland дунё ҳукмронлигининг қалити ҳисобланади. Макиндерга тегишли бўлган қуйидаги: «Шаркий Европани ким назорат қилса heartlandга ҳукмронлик қилади; ким heartlandга ҳукмрон бўлса, Дунё Оролига ҳукмронлик қилади; Дунё оролига ҳукмронлик қилган, дунёга ҳукмрон бўлади» деган геосиёсий қоида ўрнига Спайкмен ўзининг «Ким Rimlandда устунлик қилса Евроосиёда устунлик қилади, ким Евроосиёда устунлик қилса дунё тақдирини ўз қўлига олади», деган қоида ни тақлиф қилди¹⁷.

Евроосиёнинг геосиёсий тақдири француз геосиёсат мактабида тор маънода Германия билан рақобат ва фақат Ғарбий Европада стратегик мувозанатни сақлашга қаратилган. Шунинг таъкидлаш керакки, Франция Германияга нисбатан ҳарбий жиҳатдан заиф ва айнан немислар улар учун энг хавфли душмани бўлганлиги боис, унга қарши атлантист йўналишда стратегияни ривожлантиради.

Америка геосиёсатида Буюк Британиянинг Евроосиёни эгаллаш ва унинг марказига интилишга қаратилган стратегиясининг давомини кўриш мумкин.

¹² Alfred Mahan "The influence of Sea Power in history" (1660-1783". 1890; на русском А.Мэхэн "Влияние морской силы на историю (1660-1783)", М.-Л., 1941

¹³ Alfred Mahan "The influence of sea power upon the French revolution and empire (1793-1812)". Boston, 1892; А.Мэхэн "Влияние морской силы на Французскую Революцию и Империю (1793 - 1812". М.-Л. 1940

¹⁴ Alfred Mahan "The Interest of America in Sea Power", 1897

¹⁵ Alfred Mahan "Problem of Asia and its effects upon international politics". 1900

¹⁶ Қаранг. Alfred Mahan " The Sea Power in its relations to the war". Boston. 1905

¹⁷ Nicholas Spykman. Ўша ерда.

АҚШ стратегияси совук уруш давомида фақат Совет Иттифокига қарши мафкуравий кураш кўринишида бўлган ва бу курашда геосиёсий максадлар очик намоён бўлмаган. Совет тизими парчалангандан кейин АҚШнинг Евроосиёнинг турли тарафида олиб бораётган ҳарбий ҳаракатлари, Евроосиёнинг маркази бўлган Марказий Осиёга нисбатан турли «ҳўйлакор усуллар» билан кириб бориш ва у ерда имкон борича узоқ сакланиб қолишга интиляши АҚШ геосиёсатининг юз йилдан бери узлуксизлик билан давом этаётганлиги намоён бўлади. А.Мэхен асос солган «Анаконда» стратегияси ва Н.Спайкмен давом эттирган стратегия Евроосиёдаги мувозанатни Россия, Марказий Осиё, Хитой ва Ҳиндистоннинг кўлидан тортиб олишга қаратилган геосиёсатни англатади.

Иккинчи боб **“Евроосиё стратегик мувозанатини тадқиқ этишда ХХ аср геосиёсий мактаблари хусусиятлари”**, деб номланган бўлиб, унда ўтган аср давомида Фарбда яратилган асосий геосиёсий тадқиқотлар таҳлил этилади.

Дастлабки параграф **“Евроосиёнинг геосиёсий тақдири борасида 20-аср Фарб геосиёсатининг моҳияти”** деб номланган бўлиб унда геосиёсий жараёнлар борасидаги ўтган асрнинг биринчи чорагидан то сўнги чорагигача бўлган даврдаги тадқиқотлар кўлга олинди.

Мумтоз геосиёсий тадқиқотларнинг моҳияти Евроосиё китъасидаги сиёсий жараёнларни англашга ёрдам берса, Марказий Осиё минтақасидаги сиёсий вазият ўтган асрнинг иккинчи ярмида олиб борилган тадқиқотларни таҳлил этишни талаб этади. Чунки китъада ўрнатилган геосиёсий тизим бевосита Марказий Осиё хавфсизлик тизимининг илдиэларини англашга ёрдам беради.

Геосиёсатдаги америкача ёки кенг маънода атлангистик (талассократик) йўналиш деярли узлуксиз равишда анъаналар билан ривожланиб борди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунёнинг энг буюк давлатини тузишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш бошланди. Бу жараёнда атлангистлар геосиёсатнинг назарий жиҳатларини эмас, балки амалий кирраларинигина ривожлантирдилар. Геосиёсатда асосий ўрин эгаллаган «Денгиз кучи» модели ва унинг назарий ривожини айрим ҳарбий географик мактабларнинг илмий тадқиқотларини ташкил қилар эди, иккинчи жаҳон урушидан кейин бу дастур АҚШнинг расмий халқаро сиёсатида айланди. АҚШ нинг энг кучли давлатга айланиб, ер юзида талассократиянинг ҳукмронлигини ўрнатилда асосий мавқеини эгаллаши, америкалик геосиёсатчиларни бутунлай янги геосиёсий стратегияни ишлаб чиқишга мажбур қилди. 90-йилларнинг бошига келиб атлангизмнинг геосиёсий тараққиёти ўзининг кульминацион нуқтасига етди. «Анаконда» стратегияси ўзининг мутлақ самарадорлигини тўла намоён қилди. Атлангистлар стратегиясининг ҳаёгга тадбиқ этилиши ва ғалаба билан якун топиши бугун ХХ аср давомида шўролар давлати ва Варшава шартномасининг шаклланиши ва парчланишида намоён бўлди.

Бундай вазиятдан чиқишга heartland олдида 2-га йўл бор эди. Биринчиси– Европани то Атлантикагача эгаллаш мақсадида Фарбга томон юриш. Ушбу

ҳаракатдан сўнг Совет давлати бутун китъа бўйлаб денгиз чегаралари, саноат-интеллектуал ва технологик салоҳиятга эга бўлиши мумкин эди. Параллел равишда худди шу ҳаракатни жануб йўналишида, денгизга чиқиш ва «аноконда узугини» узиб ташлаш учун амалга ошири зарур бўларди. Осиёда ҳам ана шундай ўзгаришларни амалга ошириш мумкинлиги тўғрисида баҳслар бўлиб ўтган эди. Масалан Эрон, Афғонистон ҳамда Ҳиндистон (ва эҳтимол Ҳитой) иштирокида Америкага қарши турувчи кучли стратегик блок яратиш эвазига айрим Марказий Осиё Республикаларини сиёсий жиҳатдан бевосита назорат қилишдан воз кечиш мумкин эди.

Бундан ташқари ушбу икки йўлни бир-бирига мослаштирган ҳолда Фарбда тинч йўл билан, Шарқда эса ҳарбий ҳаракатлар (ёки ақсинча) билан ҳам бориш мумкин. Ушбу икки геосиёсий ҳаракатни омухталик билан олиб бориш айниқса муҳим эди.

“XX аср сўнги чорагида Европа ва Америка геосиёсий мактабларининг хусусиятлари” деб номланган иккинчи параграфда Евроосиё стратегик мувовазанига таъсир қилувчи икки муҳим стратегик куч борасида яратилган таълимотлар таҳлил этилади. Ўтган асрнинг асосий геосиёсий қарама-қаршилиги совуқ урушда Ўз ақсини топганлиги маълум. Бироқ совуқ уруш кечган бутун давр мобайнида, унинг интихоси хусусида, умуман жаҳон ҳамжамиятининг келажаги тўғрисида турли назариялар яратилди. Айримлар ядровий апокалипсис дунёга яқун ясадини таъқидлаган бўлса, бошқалари Шарқ ва Фарб ўтрасидаги зиддият охир оқибатда ягона сайёравий ҳукмронликка бўсуниш билан яқун гопишини башорат қила бошлади. Айнан ана шу кейинги назария Мондиализм номи билан машҳурдир. Ушбу концепцияга кўра сайёрада муқаррар равишда тўлик интеграция рўй бериб, давлатлар, халқлар, миллатлар ва маданиятларнинг хилма-хиллиги босқичидан ягона дунё, яъни «One World»га ўтиш амалга ошадди.

Мондиализмда конвергенция, яъни "яраштирувчи" назария муҳим ўрин тутди. 70-чи йилларда С.Ф.Р.да Збигнев Бжезинский бошчилигида "сўл" таҳлилчилар томонидан ишлаб чиқилган ушбу назария совуқ урушнинг мазмунини ташкил этган мафқуравий ва геосиёсий қарама-қаршилигини янги маданий-мафқуравий цивилизация яратиш орқали барҳам гопшириш мумкинлигига қаратилган. Ушбу цивилизация соф атлантизм ва соф континентализм оралиғидаги, бошқача айтганда социализм ва капитализм ўтрасидаги бир бўғин бўлиши керак эди. Мондиализмда энг машҳур тадқиқотлардан бири – бу америкалик олим Фрэнсис Фукуяманинг "Тарих интихоси" назариясидир. Фарб атлантизмнинг ғалабаси ва собиқ шўро давлатининг кулаши кўпчилик мутахассислар, давлат арбоблари, ҳуллас геосиёсат билан қизиқувчи мутахассислар фикрича мондиалистик лойиҳаларнинг тўла ҳаётга тадбиқ этилишини ифода этади. Бу назария тарафдорлари турли халқаро институларни ер юзидаги ягона ҳукуматнинг дастлабки босқичи сифатида таққин қилади.

Европадаги геосиёсий ренессанс (уйғониш) 1976 йилда «Геродот» журнаliga асос солган географ Ив Лакостнинг фаолияти билан боғлиқ. Маълумки И Лакост «Ички геосиёсат» мактабини яратган олим ҳисобланади. У ташкил этган журналда биринчи бўлиб урушдан кейинги Европада геосиёсий матнлар чоп этила бошланган. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, журналга сўл сиёсий доираларга яқин инсон раҳбарлик қиларди, чунки бу даврда геосиёсат билан Европада ўнг, яъни миллатчи руҳдаги гуруҳлар шугулланар эди.

Европа ва унда яшовчи халқларнинг тақдирини билан боғлиқ реал геосиёсий қарор ва лойиҳалар бошқа, атлантизм ва мондиализмнинг стратегик марказларидаги тузилмаларда ишлаб чиқилади. Масалан, Европа интеграцияси лойиҳаси мондиалистик ташкилот “Уч томонлама комиссия”да ишловчи мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бу ташкилот на қатъий ҳуқуқий мақомга ва на сиёсий легитимликка эга эди. Бошқа геосиёсатчи Француз Ж.Аттали ўз геосиёсий назарияларини замонавий Европа “амалий” геосиёсат мактабининг маълумотларига эмас, балки ўзи аъзоси ҳисобланган ана шу ташкилот (яъни “Уч томонлама комиссия”)нинг маълумотлари асосида ривожлантирди.

Энди Европаник “янги ўнглари” геосиёсатини қайд этиш мақсадга мувофиқ. Улардан бири Ален де Бенуанинг “Юз байроқли Европа” назариясидир. Иккинчи жаҳон урушигача мавжуд бўлган китъачи-геосиёсатчилар ғоялари билан алокани сақлаб қолган Европа мактабларидан бири “янги ўнглари” йўналиши 60-йилларнинг охирида Францияда юзга келган ва унинг етакчиси файлак уф ва публицист А.Бенуа ўз илмий фаолиятини шу ҳаракатга бағишлади.

Европада минтақачиликка асосланган олимлардан бири Жан Тириар бўлиб, у Европанинг геосиёсий ҳолатини атрофлича таҳлил этган. XX асрда яшаб ўтган Бельгиялик олим Ж.Тириар (1922-1992) ҳам минтақавий йўналиш тарафдори бўлсада бироз фарқли, яъни ўзи яшаб турган тизим учун ғайриоддий бўлган “диссидент”ларга хос дастур ишлаб чиққан. 60-йилларда у “Еш Европа” умумевропа радикал ҳаракатининг раҳнамоси бўлган.

Минтақалар тўғрисидаги чуқур илмий тадқиқот олиб борган олимлардан бири Нордис фон Лохаузендир. Австриялик генерал Лохаузен Тириарга жуда яқин турди. Тириар ёки де Бенуадан фарқли ўларок у бевосита сиёсий фаолиятда иштирок этмайди ва аниқ ихтимой лойиҳалар қурмайди. У соф илмий ёндашув орқали геосиёсий таҳлил билангина чекланади. Унинг дастлабки позицияси миллий-большевиклар ва «янги ўнглари»ники каби бўлиб, Харсхофер қарашларига яқин минтақачи дея характерлаш мумкин.

Европа ва Осиёнинг геосиёсий манзараси тўғрисида турли илмий тадқиқотлар қатори оммабоп характердаги назариялар ҳам яратилган бўлиб, уларнинг айримлари чуқур илмий салоҳиятга эга эканлиги билан ажралиб туради. Бундай тадқиқотлардан бири француз ёзувчиси Жан Парвулеско томонидан яратилган бўлиб «Яқиний Евроосиё Салтанати» деб номланади. Геосиёсатнинг романтик шаклини ифода этган агамалар илк бор Жорж Оруэл томонидан киритилган. У «1984» деб номланган антиутопияда ер сайёрасини

«Остазия», «Евразия», «Океания» деб аталадиган китъа микёсидаги уч йирик блокка бўлинажagini башорат қилган.

Евроосиёнинг марказилан денгиз йўлига чиқишининг муҳим эканлиги Робер Стойкер исмли олим гомонидан ишлаб чиқилган бўлиб, буни у Ҳинд океанига чиқиш дунё хукмронлигига йўл деб атайди. У Ҳинд океанининг сайёранинг келажакига кўрсатадиган улкан геосиёсий аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтади. Унинг фикрига қараганда Ҳинд океани Тинч ва Атлантика океанлари ўртасида жойлашган «Ўрта Океан» ҳисобланади. Унинг нуктаи-назарича, XXI асрнинг келажакини белгилаб берадиган ҳал қилувчи геосиёсий қарама-қаршилик айнан шу ҳудудда юз беради. Стойкерс геосиёсат тарихи билан шуғулланиш билан бир қаторда мумтоз геосиёсатчи олимлар тўғрисида мақолалар ҳам эълон қилади.

Евроосиё китъасининг келажакни хусусида тадқиқотлар олиб борилган мактаблардан бири Италияда ҳам мавжуд бўлган. 20 асрнинг сўнги чорагида доктор Карло Террачано евроосиёчилик билан ҳамбарчас боғлиқ ҳолда кескин равишда Европачиларга хос китъачиликни ҳам ифодалайди. Доктор Террачанонинг геосиёсий қарашлари кискача Россия (heartland) + Ислом АҚШга қарши (атлантизм, мондиализм) гарздаги формулада ифодаланган.

“Евроосиёнинг стратегик мувозанатида МДХ мактабларининг хусусиятлари” деб номланган учинчи параграфда Евроосиёда стратегик мувозанатнинг сақланишидан энг кўп манфаатдор бўлган ҳудуд – МДХ олимларининг қарашлари тизга олинади. Маълумки, Евроосиёдаги стратегик вазият ва жараёнлар МДХ республикаларидаги кўплаб геосиёсатчилар гомонидан чуқур таҳлил этилган. Улар яраган таълимотларнинг умумий хусусияти шундаки, геосиёсий таълимотлар ва улар натижасида олиб борилган ташки сиёсат, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар ҳамда босқинчилик юришлари барчаси бевосита Евроосиёнинг марказига қаратилганлиги, уларнинг тадқиқотларида сезилиб туради. Бу МДХ ҳудудида яшовчи олимлар, мутахассислар, сиёсатчилар ва давлат арбоблари учун нафақат илмий тадқиқот масаласи, балки бевосита Россия ва унинг атрофидаги минтакаларни ташвишга солувчи амалий характерга эга бўлган чуқур муаммодир. Евроосиёнинг геостратегик мавқеи ва истиқболли рус геосиёсатчи олимлари Л.Гумилев, К.Сорокин, П.Савицкий, Г.Вернадский, Н.Трубецкой, Э.Поздняков, В.Дергачев, В.Цымбурский, А.Дугин ва бошқаларнинг қарашларида ўз илмий асосини топган. Кейинчалик пайдо бўлган «Янги евроосиёчилик» ғоявий оқими ҳам асосан Евроосиёда стратегик мувозанат ўрнатишга қаратилган. Тарихий евроосиёчиларнинг таҳлили юқори даражада долзарб ҳисобланиб, уларни бевосита бугунги вазиятга ҳам қўллаш мумкин.

Неоевроосиёчиликнинг бошқа хусусияти – бу ислом давлатларини (айниқса континентал Эрон) муҳим стратегик иттифокчи сифатида танланишидир. Континенталчи руҳдаги рус-ислом альянси ғояси Евроосиё китъасининг жанубий-ғарбий қирғоғидаги аксилатлантистик стратегияси асосида ётади. Буни фақат янгича биполярлик (икки қутбчилик) орқали амалга

ошириш мумкин. Бу эса ўз навбатида чуқурроқ таҳлилни талаб этади. АКШ-СССР карама-каршилиги тугагандан сўнг ер юзида ўз-ўзидан кўп қутблилик тизимга ўтади; Хитой кучаяди, демографик жараёнлар ислом давлатларини геосиёсий марказий давлатлар каторига олиб чиқади, Тинч океани минтақаси ўзининг Европа ва Америка билан рақобат қила олишини айтади. Буларнинг барчаси содир бўлиши мумкин, лекин бундай янги кўп қутблилик «атлантистик кадритлар тизими» белгиси остида ўтиши ҳисобга олинмайди, яъни бу нарса талассократик тизимнинг худудий кўринишлари бўлиб, у ҳақиқий геосиёсий муқобил бўла олмайди. Буни ғарб стратеглари яхши англашади, чунки ҳозирги босқичда Ғарбнинг асосий геосиёсий вазифаси – бу атлантизм кучлари билан тенглаша оладиган китъа микёсида қудратга эга бўлган геосиёсий блокни шаклланишига йўл бермасликдир.

Шуниси муҳимки, Евроосиё китъавий блоки Варшава шартномасини қайта тузиш эвазигагина юзага келмайди. Китъадаги илгариги геосиёсий гузилманинг парчаланиши қонунийга жараён бўлиб, унинг сабаблари тизимнинг ўзида эди. Кейинги йилларда кучайиб бораётган янги биполяризм назарияси несевроосиёлик лойиҳаларда етарлича ривожланган бўлиб, Европа ва Учинчи дунёда яратилган барча геосиёсий назарияларнинг илмий-назарий асосидир. Худди харпланд денгиз кучлари объектив жихатдан интилиб келган сўнги нукта бўлганидек, Неоевроосиёчилик ҳам сайёравий стратегиялар тизимини яратиш учун ягона назарий платформадир. Ушбу сайёравий стратегиялар атлантизмнинг жаҳондаги устунлигини ва унинг цивилизацион кадритлар тизими – бозор, либерал-демократия, дунёвий маданият, индивидуализм каби омилларини инкор этади. Шундай бўлсада икки тараф кадритларининг синтезлашуви жараёни кечади ва Евроосиёдаги худудда миллий давлатчилик ва иктисодиёт кучайиб бергани сари, уларга нисбатан бўлаётган салбий муносабат ҳамкорлик сари ўзгара боради. Бу Марказий Осиё давлатлари, жумладан Ўзбекистон манфаатлари учун ҳам фойдалидир.

Учинчи боб **“Марказий Осиё мувозанати - Евроосиё стратегик мувозанати омили сифатида”**, деб номланган бўлиб, ушбу боб бевосита Марказий Осиёнинг Евроосиё стратегик мувозанатидаги мавқеи ва аҳамиятига қаратади. Даставвал бу минтақанинг геостратегик мавқеини белгилаш мақсадида **“Марказий Осиё Евроосиёнинг географик маркази сифатида”** деб номланган биринчи параграф қўлга олинади. Биринчи ва иккинчи боблар геосиёсий жараёнларнинг илмий-назарий асосларига бағишланган бўлиб, асос эътибори билан Евроосиё китъаси, аниқроғи ушбу минтақани назорат қилиш учун олиб борилган геосиёсий жараёнларнинг турли давлатлар манфаатлари нукта-назаридан ёритилишига бағишланган эди. Учинчи боб эса бевосита Марказий Осиё минтақасининг геосиёсий аҳамияти, унинг атрофида рўй бераётган геосиёсий таъсирлашувларга бағишланади. Зеро, минтақа хавфсизлиги тўлиқ унинг геосиёсий аҳамиятига, бошқача айтганда унинг салоҳиятини белгиловчи географик, иқтисодий ва ижтимоий хусусиятларга асосланади. Бу борада З.Бэжинскийнинг «ушбу минтақага яқинлашиш

масаласида устунликни ким кўлга киритса албатта геосиёсий ва иктисодий ютукни кўлга киритади», деган фикрини эслаш ўринлидир¹⁸.

Тарих давомида узлуксиз давом этиб келган цивилизациялар кураши янги минг йилликда ҳам янгича тусда, турли жиҳатлари билан намоён бўлмоқда. Ер юзида ягона ҳукмронлик тизимини яратишни ўз ичига олган ушбу жараённинг бир он бўлсада пасайганини таъкидлаш кийин. Америкалик олим Семюэл Хантингтон ўзининг «Цивилизациялар тўқнашуви ва дунё тартиботининг қайтадан қурилиши» асарида бугунги кундаги геосиёсий жараёнларнинг энг муҳим хусусиятларини таҳлил этар экан, ер юзида кечаётган геосиёсий жараёнларнинг марказида айнан Евроосиё китъаси, хусусан шу китъа марказида жойлашган «юрракдаги мамлакатлар»га таъсир этиш ва улар худудини эгаллаш устида рўй беришини таъкидлайди.¹⁹

Мумтоз геосиёсий назарияга кўра ҳар бир минтақанинг геосиёсий мавқеи географик жойлашуви ва табиий-иклим хусусиятлари, иктисодий салоҳияти, шу худудда яшовчи халқларнинг катъий равишда табиий-географик омиллар таъсири остида шаклланган менталитети ҳамда анъаналари, ушбу хусусиятлар таъсирида шаклланган сиёсий тузумнинг табиати билан белгиланади.

Бирок ўтган юз йилликда минтақалар ёки давлатларнинг геосиёсий мавқеи кўпгина ҳолларда иқтисодий омил билан белгиланиши одат тусига кирди. Албатта дунёда энергетика заҳиралари истеъмолнинг кучайиши ва уларга бўлган эҳтиёжнинг кескин ортиб кегиши бунинг асосий сабаби ҳисобланади. Марказий Осиёнинг иктисодий салоҳияти унга бўлган геосиёсий қизиқишнинг асосий манбаи эканлигини назардан қочирмаган ҳолда илмий нуқтаи-назардан минтақанинг юқорида санаб ўтилган хусусиятлари хусусида тўхталиб ўтамиз.

Геосиёсий назарий қоидаларга кўра, Марказий Осиёнинг жуғрофий ўлчамлари ва кўрсаткичлари унинг геосиёсий имкониятлари ҳамда табиий стратегик салоҳиятини белгилаб берувчи муҳим омиллардир. Евроосиё минтақасида асрлар давомида кечаётган геосиёсий жараёнлар ҳам илмий-назарий, ҳам амалий жиҳатдан унинг марказий қисми, аниқроғи “heartland” (“ер юраги”)ни эгаллашга йўналтирилганлигини кўрсатади²⁰. Айрим манбаларга қараганда, Ернинг ушбу (яъни юрак) қисми Марказий Осиёни ҳам ўз ичига олади. Албатта, бу минтақа айнан «юррак»нинг марказини ташкил этмасада, «юрракка боралиган муҳим ўк томирлар» ана шу худуд орқали ўтган. Бунинг Марказий Осиё тарихига назар ташлаган ҳолда унинг худуди учун бўлиб ўтган сон-саноксиз урушлар, хозирга қадар давом этиб келаётган шиддатли жараёнлардан ҳам англаш мумкин.²¹

¹⁸ Бжезинский З. Великая шахматная доска. - М.: 1999. - С.168

¹⁹ Хантингтон С. Столкновение цивилизаций и переустройство мирового порядка // "Полис". 1994, #1.

²⁰ Halford Mackinder "Geographical Pivot of History" // "Geographical Journal", 1904 Рус тилида // "Элементы. Евразийское обозрение". 1996, №7, -С 26 -31

²¹ НАТО И Центральная Азия. http://www.transcaspian.ru/cgi-bin/web_exe/rus/4644.html.

Рус геосиёсий тадқиқотчиларидан А.Дугиннинг таърифига кўра, Марказий Осиё худуди ғарбда Каспийдан бошлаб шимол-шарқда Олтой ўлкасига қадар, шимолдан Шимолӣ Козоғистон ва яна юқорирокдаги айрим Россия губерняларидан жанубда Покистонга қадар ҳудудни эгаллайди²². Гарвард университетиди (АҚШ) жойлашган Марказий Осиёни ўрганувчи йирик марказлардан бири *"The Harvard Programme on Central Asia"*нинг интернет сайтида Марказий Осиё Эроннинг шарқий ҳудудлари, Хитойнинг айрим ғарбий провициялари ва ҳақозо ҳудудларни ўз ичига олган²³. Кўпгина ғарб тадқиқотчилари ҳам Марказий Осиёнинг жуғрофий ўлчамлари тўғрисида шунга яқин фикр билдиришади. Шунини таъкидлаш керакки, фикримизча бирор бир минтақанинг ҳудудий ўлчамлари унинг геосиёсий аҳамиятига ва унга нисбатан геосиёсий кизиқишнинг ортиши ёки камайишига боғлиқ ҳолда долзарб мавзуга айланиб боради ёки эътибордан четга сурилади. Бугунги кунда Марказий Осиёнинг геосиёсий аҳамияти кескин ошиб бораётган ва ташқи таъсир кучаяётган бир пайтда унинг жуғрофий ўлчамларини турли даражада кўрсатиш минтақага кириб келаётган кучларнинг стратегик манфаатларига боғлиқ.

Геосиёсий назариянинг муҳим шартларидан бири минтақаларнинг жуғрофий хусусиятлари, хусусан ер юзаси, тупроқ таркиби, сув хавзалари ёки тоғларга яқинлиги ва ҳақозоларни синчиқлаб ўрганиш орқали шу ҳудуддаги халқлар ва давлатларнинг сиёсий табиатига баҳо беришдан иборат. Чунки давлатлар ва элалар ҳудуддаги жуғрофий ва табиий шароит, шунингдек заминнинг хусусиятларига ҳамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланиши тўғрисидаги қонда ушбу соҳанинг негизида ётади. Шу нуқтаи-назардан Марказий Осиёнинг жуғрофий ва табиий хусусиятлари уни геосиёсий таърифлашда муҳим ўрин тутади.

“Марказий Осиёнинг сиёсий, демографик ва иқтисодий салоҳиятининг стратегик мувозанат ўрнатишдаги аҳамияти”, деб номланган иккинчи параграфда минтақанинг демографик ва иқтисодий салоҳияти таҳлил этилади. Минтақадаги аҳоли сони унинг географик майдонига нисбатан жуда камдир. Мамлакатларнинг нуфус таракқиети кўрсаткичлари ҳам жуда ижобий мазмунга, яъни аҳолининг қатта қисми ёшлар ва ўрға ёш аҳолидан иборат. Демографик нуқтаи-назардан минтақа улкан салоҳиятга эга эканлиги намоён бўлмоқда.

Минтақа нафақат демографик, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам улкан захираларга эга. Минтақанинг иқтисодий салоҳияти унинг геосиёсий аҳамиятини белгиловчи энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу туфайли минтақа иқтисодий салоҳиятининг геосиёсий таъсир доирасига тортилиши мумкин бўлган жиҳатларига назар ташлаймиз.

Маълумки, «манфаатлар тўқнашуви» анча йиллар мобайнида Афғонистон худудида рўй бериб келди. Энди бўлса гап бу тўқнашув саҳнасининг Каспий атрофи ёки минтақанинг бошқа ҳудудларига қўчиш

²² Дугин А. Основы Геополитики. – М.: Арктогея, 1997. – С 353 – 364.

²³ <http://www.fas.harvard.edu-centasia>

эхтимоли канчалик эканлиги ҳақида кетмоқда. Марказий Осиёдаги кутилажак вазиятни АҚШнинг таниқли тадқиқотчиларидан З.Безжинский ўзининг машҳур «Буюк шахмат тахтаси» асарига ўзига хос талкин қилади. Унинг ёзишича 1993-2015 йиллар орасида дунёда энергетика захираларига бўлган эҳтиёж 50%га кўтарилиши кутилмоқда. Шу нуктаи-назардан янги-янги энергетика захираларини излаб топишга бўлган эҳтиёж етакчи давлатларни ушбу захираларнинг дунё бўйича энг бой ҳудудлари томон, хусусан Марказий Осиё томон қорлаши табиий. Табиий захираларга бой ва айни пайтда миллатлараро муносабатлар, тарихий ҳудудлар масалалари нуктаи-назаридан нотинч бўлган Марказий Осиёда миллатлараро, ҳудудий негизда турли муаммоларнинг келиб чиқаришга урилишлар бўлиши табиий.²⁴

Барчага маълумки, дунёдаги энг йирик нефть ва газ компаниялари ер юзидаги улкан захиралар бугунги кунда Каспий туби ва атрофида, айниқса Тенгиз, Қорачиғанок ва Қашаган конларида жойлашганлигини эътироф этишмоқда. Шу туфайли, дунёдаги энг етакчи давлатлар бир неча йиллардан буён Каспий денгизи остидаги нефть захираларини ўзлаштириш учун кураш олиб боришар экан, натижада минтақа атрофида турли сиёсий ўйинлар уюштирилганлигини эслаш мумкин.

Марказий Осиёнинг геосиёсий мавқеи аввало унинг иқтисодий имкониятларидан келиб чиқмоқда. Бу борада энг манфаатли ҳамкорлар билан иш олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Минтақада етакчи давлатларнинг манфаатлари тезлик билан шаклланиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Ўз иқтисодий манфаатларини амалга ошира олмаган ташқи кучлар минтақада муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллар, хусусан диний, миллатлараро муносабатлар, ҳудудий муаммолар сув тақсимолига оид масалалар каби омилларга урғу берган ҳолда минтақада бекарорлик юзага келтиришлари мумкин.

Шу нуктаи назардан, миллатлараро муносабатларда барқарорликни сақлаш минтақавий хавфсизликнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, минтақада сув тақсимоли масалаларида ҳукуматлараро комиссия ишини тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, республикалар ўртасида чегаралаш ишларини охирига етказиш ва бу масалада ҳеч қандай муаммо қолдирмаслик бутун минтақанинг геосиёсий мавқеининг кўтарилишига олиб келади. Шунингдек, минтақадаги коммуникацион тизим яратилиши унинг иқтисодий ва сиёсий аҳамиятини ошишига олиб келувчи омил ҳисобланади. Албатта бунга республикалар манфаатларининг солиштирилиши, шунингдек узлуксиз ва жадал музокаралар орқалигина эришилиши мумкин.

Диққат қилиниши зарур бўлган яна бир муҳим жиҳат, нодавлат мавқеида фаолият юритувчи хорижий ташкилотлар томонидан ўтказилаётган тадбирларнинг мавзуларига диққат қилиш ва ушбу тадбирлар томонидан қабул

²⁴ Безжинский З. Великая шахматная доска. -М.: Международные отношения, 2000, -151 с.

қилинган хулосаларнинг минтака ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсири тўғрисида амалий тадқиқотлар олиб бориш ва тегишли тадбирлар ўтказиш зарурдир.

Минтаканинг иқтисодий имкониятларни ишга солишда геосиёсий рақобатга қўшилиб кетиш республикалар ўртасида кийинчилик билан ўрнатилган ҳамкорликка путур етказиш билан бирга, республикаларни турли иқтисодий гигантлар манфаатларининг қурбонига айланиб қолишига олиб келиши мумкин. Тенг манфаатлар асосида ҳамкорлик ўрната билиш дунё иқтисодий гизимига тадрижий ҳамда қонуниятли интеграциялашувга, шу билан бирга минтака геосиёсий аҳамиятининг янада кўтарилишига олиб келиши шубҳасиздир.

“Марказий Осиёдаги геостратегик жараёнларнинг этно-худудий ва диний жиҳатлари”, деб номланган учинчи параграфда минтақадаги жараёнларда қўлланилаётган этник ва диний омил таҳлил этилади.

Минтака атрофида кечаётган геосиёсий жараёнлар бу ердаги этно-сиёсий ва диний омилларга алоҳида эътибор беришни талаб этади. минтака атрофида етакчи давлатларнинг турли характердаги манфаатлари тезлик билан шаклланиб бераётганлиги ҳамда уларнинг ўзаро тўқнашуви эҳтимоли ушбу омилларнинг ташқи қучлар томонидан ишга солиниши мумкинлигини кўрсатмоқда. бунинг исботи учун бир неча йил давомида минтақада диний экстремистик ва фундаменталистик ғояларни тарқатиш оқибатида рўй берган жараёнлар ва мудҳиш воқеаларни эслаш кифоя бўлса керак.²⁵

Марказий Осиё халқларининг асосий қисми туркийзабон ва форсийзабон сулуний мусулмонлардан иборатдир. Миллий гуруҳларнинг минтака бўйлаб жойлашувига мувофиқ равишда тарихий тараккиёт натижасида ҳар бир туб элатга хос тийнат, турмуш тарзи, хўжалик юритиш услуби, анъаналар ва миллий руҳ шаклланган. Марказий Осиёнинг маҳаллий элатлари қадим-қадимдан ўзларига тегишли ҳудуднинг табиий-иклим шароитларига мос равишда тийнати, руҳияти ҳамда анъаналари шаклланган.²⁶

Янги минг йиллик бошларида Марказий Осиё ҳудудида фундаменталистик мафқурани ёйишга бўлган уринишлар, бу иллатнинг, нафақат бир республика миқёсида, балки бутун Марказий Осиё минтақасига хавф солишини аниқлатди. Бу вазият хавфсизликнинг бўлинмаслик тамойили ва унинг глобаллашганлик табиатини намоён қилди. Марказий Осиё бу Евросиё минтақасининг марказида жойлашган, кенг ҳудудда 50 млн.дан ортиқ аҳоли истикомат қилади. Бу ҳудуд ер юзидаги етакчи давлатлар ҳисобланган Россия, Хитой, Ҳиндистон ва Эрон билан чегарадош. Марказий Осиё ҳудуди чегарасининг узунлиги 20 минг км. Минтақанинг жанубий қисми геосиёсий жараёнлар миқёсида энг мураккаб ҳисобланиб, охириги воқеалар бу қисм нафақат ҳудудда ёки минтақада, балки бутун жаҳонда стратегик мувозанатни таъминлашда асосий рол ўйнашини аниқлатди. Ҳозирги кунда ҳам Афғонистон,

²⁵ Нуруллаева Ш. Религиозный экстремизм и борьба с ним. / Ўзбекистонда политология. –Т.: Шарқ, 2002.

²⁶ Roy Oliver. A New Central Asia. - NY University Press, 2000. - 222 с.

зиддиятлар ўчоғи сифатида колмоқда ва бу шарт-шароит, минтакавий хавфсизликка таҳдид солиш имкониятини яратмоқда. Бой энергия манбаларига эга ва этник масалаларда нозик нуқталарга эга бўлган минтаканинг жаҳон зиддиятлари майдонига айланишига йўл қўймаслик зарур. Бу бир сўз билан айтганда, Марказий Осиё буюк давлатларнинг сиёсий ва иқтисодий манфаатларини амалга ошириш майдони бўлишига қарши туриш даркор.

Географик жиҳатдан Марказий Осиё қудратли давлатлар томонидан олиб борилаётган геосиёсий рақобат “чизигида” жойлашганлиги Евросиё китъаси учун асрлардан бери “heartland” ва “rimland” ўртасида давом этиб келаётган карама-қаршиликларнинг бугун ҳам давом этаётганлигидан кўриниб турибди.

Шу сабабли, Марказий Осиёда пайдо бўлган геосиёсий муаммолар, ушбу вазиятда этносиёсий тангликнинг пайдо бўлишини кенг маънодаги геосиёсий занжирнинг бир халқаси сифатида талқин этиш мумкин. Унинг қай тарзда ривожланиши икки карама-қарши томон танлаган тактикага боғлиқ.

Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш учун республикалар:

- биринчидан, ташқи кучларга чегараолди ҳудудлардаги кўпмиллатлилик омилидан фойдаланишга йўл қўймаслик;
- иккинчидан, шу ҳудудларда кўпмиллатлилик хусусиятидан келиб чиққан ахборот дастурлари олиб боришлари ва уларни тенг ҳуқуқлар билан таъминлашлари;
- учинчидан, миллатчиликни тарғиб қилувчи омиллардан ўз фуқароларини ҳимоялаш;
- тўртинчидан, этник ва ҳудудий барқарорликка олиб келадиган шарт-шароит, яъни давлат чегараларининг делимитация жарёнини яқунлаш;
- бешинчидан, миллатлараро муносабатларни саклашга ёрдам берадиган, енгиллаштирилган чегара тартибини жорий этиш;
- олтинчидан, транспортларнинг транзит ўтиш хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Тўртинчи боб “Евроосиёда стратегик мувозанат ўрнатиш истикболлари”, деб номланади ва унда минтакадаги стратегик мувозанат истикболининг ички ва ташқи асослари ҳамда институционал омилари таҳлил этилади. Дастлабки “Марказий Евроосиёда стратегик мувозанат ўрнатишнинг ички минтакавий асослари”га бағишланган параграфда Россия, Украина, Беларусь, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистонда кейинги даврда кечган жараёнлар геосиёсий таҳлил этилади.

Марказий Осиёдаги мувозанатга бевосита таъсир этишдан манфаатдор бўлган Россия олдида ички ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш ва илгариги сиёсий мавқеини тиклашдек мураккаб вазифа турибди. Россиянинг Евроосиёдаги асосий геосиёсий “ўйинчи” экани ўз олдидаги вазифаларни удаллашига боғлиқ. Россиянинг ички иши бўлиб кўринган ижтимоий-иқтисодий масалалар Евроосиёдаги мувозанатнинг бузилишига ёки аксинча сакланиб қолиши ёки кучайишига ҳам таъсир этади. Россия ўз муаммоларини ҳал этиш учун зарур бўлган вақтни қўлдан бой бермаслик учун аввало МДХ

худудида тинчлик сақланиб туришидан манфаатдордир. Аини пайтда, Россия Ғарб таъсирига тушиб қолаётган МДХ давлатларини ўз таъсир доирасида сақлаб туришга ҳам ҳаракат қилади. Аммо Россия ўз муаммоларига қоришиб ётган бир пайтда Болтиқбўйи давлатлари бутунлай Европа ва НАТО тарафига ўтиб кетди. Украина ва Грузия ҳам шу йўлдан бермоқда. Марказий Осиёда эса Ўзбекистондан ташқари барча давлатлар муайян ташқи таъсирга дош бериш ёки ҳалос бўлиши қийин кечмоқда.

Евроосиё стратегик мувозанатига таъсир этадиган давлатлар қаторига Украина ва Белоруссияни ҳам киритиш мумкин. Бир неча йиллардан буён ҳукума инқирозини бошидан кечираётган Украинада президент, ҳукумат ва мухолифат ўртасидаги зиддият шу қадар авж олганки, бу мамлакатда соғлом сиёсий вазиятни яратиш ўта мушкулдигича қолмоқда. Украинадаги вазиятнинг нозик жиҳати унинг Ғарб ва Россия ўртасидаги геосиёсий ўйин қурбонига айланганлигига бориб такалади. Айнан Ғарбдан келган кучлар Ғарбий ва Шарқий Украина феноменига урғу бердилар. Албатта, ўз миллий манфаатлари чегарасининг торайиб боришидан чўчиган Россия энергетик жиҳатдан ўзига боғлиқ бўлган Украинани айнан шу омил орқали сиқувга олади.

АҚШ томонидан Украинада (Чехия ва Польшада ҳам) Ракетага Қарши Мудофаа (РКМ) тизимини ўрнатиш тўғрисидаги 2007 йилнинг бошидаги эълони Россиянинг манфаатларига навбатдаги зарба бўлганлигини таъкидлаш мумкин. Маълумки, Украинанинг НАТО ва ЕИга қабул қилиниши эҳтимоли бир неча йиллардан бери таъкидланиб келинмоқда. Бу эса жиддий ўзгариш – яъни мамлакат сиёсий, иқтисодий, қолаверса маданий ёки янада кенгрок, тамадувий стратегиясининг шарқий йўналишдан Ғарб томон бурилиши эҳтимолини кучайтиради.

Украина сингари Белоруснинг ҳам Россия билан муносабатлари узок йиллардан бери таранглигича қолмоқда. Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамияти қароргоҳи жойлашган Белорус бу ташкилотнинг ривожланиши учун қанчалик ҳаракат қилмасин географик ва геосиёсий омиллар бунга йўл бермаяпти. Географик жиҳатдан Европа худудида жойлашганлигига қарамасдан Белоруснинг Европа Иттифоқи ёки НАТОга қариши учун биринчи навбатда Россия билан келишувга эришиши керак бўлади. Белоруснинг ЕИ томон юриши Евроосиёдаги стратегик мувозанатда Россия мавқенининг заифлашуви ва аксинча Европа ёки бошқача айтганда Ғарб омилининг кучайишига олиб келади.

Кавказ минтақаси ҳам Евроосиёдаги Янги тартибда фаол иштирок этаётган минтақа ҳисобланади. Грузия Россиянинг азалий ҳамқори бўлса-да, мустақиллик йилларида бу мамлакат иқтисодий имкониятларининг чекланиб қолиши уни Россиянинг рақибига айлантирди. Ғарб бу минтақада ўзига шерик сифатида Грузияни танлагани бежиз эмас. Бундан ташқари, Грузияда Россия билан бўлган Шимолий Осетия ва Абхазия деб аталган “оловли нукта”лар мавжуд бўлиб, уларни ишга солиш, аввало Россияни ташвишга солиш, кези келганда эса Грузиянинг ўзига ҳам қарши ишлатилиши мумкин. Бу ерда

Грузиянинг ўзи бир кун келиб Ғарбга қарши бўлиб қолган тақдирда миллатлараро негизда фуқаролар урушини бошлаш эҳтимоли назарда тутилмоқда. Россия эса бевосита ўз миллий манфаатлари чегарасида рўй берадиган бундай жараёнларга қараб тура олмасдан Грузиянинг Ғарбга қарши чиқиши учун қўлидан келган барча имкониятларини ишга солишга ҳаракат қилмоқда.

Евроосиёда ўз мавқеини мунтазам ошириб келаётган, МДХ, ШХТ ва Евроосиё Ҳамкорлик Ташкилотининг фаол аъзоси бўлган Қозоғистон ташки сийосатининг тўлиқ Евроосиёга йўналтирилганини намоян этади. Бинобарин, иқтисодий жиҳатдан ривожланиб бораётган Қозоғистон учун МДХ давлатлари манфаатларига зид келадиган ташки сийосат юритишга асос йўқ. Аммо қатор Ғарб компаниялари Қозоғистон шимоли-ғарбдаги Каспий шельфидаги Тенгиз, Қорачиғанок ва Кашаған каби йирик конларидан бир неча йиллардан бери нефть қазиб хорижга экспорт қилмоқда. Нефтниң бойлик келтириши шубҳасиз бўлса-да, унинг учун бўлаётган рақобат, ташки сийосатда мунтазам қучли ирода бўлмаса, турли таҳдидларга сабаб ҳам бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Қирғизистоннинг минтақавий вазиятга нисбабан ёндошуви ҳам ўзига ҳосдир. Қирғизистондаги 2005 йилнинг март ойида ушбу мамлакатда юз берган ҳукумат инқирози А.Акаевнинг ҳокимиятдан четлашишга ва собиқ ички ишлар вазири Ф.Куловни ҳукумат тепасига келтирди²⁷. Президентлик лавозимини эса Жалолобод вилоятидан бўлган Қ.Бакиев эгаллади. Қирғизистонда вужудга келган вазият бу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти натижасида эмас, балки ташки геосийосий таъсир оқибатида юз берди. Мамлакат тарихий тараққиёт йўли, маданияти, дини ва миллат гийнати ҳисобга олмаган ҳолда хориж политехнологлари таъсирига тушиб қолди ҳамда ғарбона кадриятларнинг кириб келишига йўл очилди. Мамлакатдаги муаммоларнинг негизида аввало иқтисодий масала билан боғлиқ эканини эътиборга олмайдиган. уларнинг ечимини топа олмайдиган муҳолифат пайдо бўлди ва халқни анъанавий йўналишидан тсйдирган ҳолда миллий бирликка путур етказди. Қирғизистонда вужудга келган вазият ҳам Марказий Осиёни қўлга олишга интилаётган ташки қучларнинг иши экани аён бўлиб қолди.

Маълумки ШХТнинг аъзоларидан бири сифатида Қирғизистон ўз ҳудудида чет эл (бу ташкилотга аъзо бўлмаган давлатларнинг) ҳарбий қисмларини сақлаш мажбуриятини зиммасига олган. Шунга қарамадан, халқаро терроризмга қарши кураш пайтида Бишкек аэропортига жойлаштирилган АҚШнинг “Ганси” номли ҳарбий базасини Қирғизистон ҳукумати ҳали-бери чиқариш нияти йўқ²⁸. Қирғизистоннинг Хитой ва Россия манфаатлари тўқнашадиган ҳудудда жойлашганлиги бу икки улкан давлатнинг унга бўлган муносабатида доим акс эгиб туради.

²⁷ Узоқ давом этган ҳукумат инқирозидан кейин 2007 йилнинг январ ойида Қирғизистон Президенти Қ.Бакиев Ф.Кулов ҳукуматини таркатишга қарор қилди

²⁸ Майкова Г., Американская стратегия в Центральной Азии: кризис и расстановка региональных сил // Кремль.Орг. 16.07.2005.

Марказий Осиёдаги стратегик муъозанатда Тожикистоннинг ҳам ўзига ҳос ўрни мавжуд. Чунки мингақадаги энг мураккаб вазият сакланиб қолаётган, бошқача айтганда, Ғарб ва Шарқ геосиёсий кучлари ўртасидаги бир асрдан ортик давр мобайнида буфер давлат сифатида мавжуд бўлиб келган Афғонистон билан чегарадош давлатдир. Афғонистон ва Покистоннинг шимолий ҳудудларида жойлашган террористик гуруҳларнинг Тожикистон орқали Қирғизистонга бемалол ўтиши ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатларига ҳужум қилиши бу мамлакатдаги вазият ҳам геосиёсий таъсир доирасида эканини яққол намоён этади.

Тожикистон атрофдаги қўшнилари манфаатларини ҳисобга олмай сиёсат юритса МДҲ, Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамияти ва ШХТ олдидagi мажбуриятларини бажаришга маълум маънода тўққинлик қилиши мумкин. Бошқача айтганда, Тожикистон юқорида санаб ўтилган ташкилотларга аъзо бўла туриб, уларнинг сиёсатини қўллаб-қувватлаш ўрнига, Ғарб давлатлари таъсирига тушиб қоладиган бўлса Марказий Осиёдаги барқарорликка ҳисса қўшиш эмас, балки ички хавфсизлигини таъминлаши қийин бўлади.

С.Ниёзов даврида Туркманистон ташқи сиёсатда бетарафлик позициясини қўллаган ҳолда Марказий Осиёда кечаётган геосиёсий жараёнлардан ташқарида қолишга ҳаракат қилган эди. Бу сиёсат туркманларнинг ташқи дунё билан алоқаларининг сусайишига олиб келди. Шу туфайли Туркман давлатчилигининг келажаги минтақадаги геосиёсий вазиятни унинг раҳбарияти томонидан теран англинишига боғлиқ бўлиб қолди. 2006 йилнинг охирида Туркменистон президентининг тўсатдан вафот этиши бу мамлакатга нисбатан турли кучларнинг қизиқишини кескин ошириб юборди. Туркменистоннинг келажагига бевосита ва билвосита алоқадор бўлган давлатлар бу мамлакатда ўз манфаатларига мос сиёсий тузумни шакллантиришга ҳаракат қилади. Бу мақсадни амалга ошириш учун турли геосиёсий ўйинлар амалга оширилади. Туркменистоннинг биринчи президенти ҳаётлигида усталик билан қўллаб келган бетарафлик позицияси ҳам унинг вафотидан кейин “де-юре” сакланиб қолса-да, айрим ташқи кучлар бу мақомни “де-факто” йўқотишга ҳаракат қилса ажаб эмас. Оқибатда юқорида қайд этилган ички ва ташқи омиллар туфайли Туркменистонда мустақиллик даврида яратилган давлатчилик анъаналари барбод бўлиши ва қудратли давлатлар тарафидан хомталаш бўлиши эҳтимоли катта. Туркменистоннинг янги Президенти минтақадаги вазиятни чуқур англаган ҳолда очик сиёсат юритмоқдаки, бу Туркменистоннинг халқаро обрўсининг кутарилишига олиб келиши шубҳасиз.

Қўрииб турибдики, Ўзбекистонда ташқари Марказий Осиёнинг бошқа давлатларидаги ички ва ташқи сиёсий вазият анча нозик бўлиб, улар ташқаридан амалга оширилаётган кучли геосиёсий таъсир остида қолиб келмоқда. Бироқ, юқорида кўрганимиздек минтақадаги кўпгина давлатлардаги вазият улардан сиёсий ироданинг кучайтирилишини талаб этмоқда. Бу эса минтақадаги сиёсий институтларнинг амалий самарадорлигини кучайтиришга хизмат қилади ва уни самарасиз бюрократик тузилма бўлишдан сақлаб қолади.

Хозирги даврда Марказий Осиёдан ўз иктисодий манфаатларини кидираётган ташқи кучлар турли усуллар билан бу ердаги давлатлар суверенитетига таҳдид солаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Улар бу билан нафақат ёқилги захираларига эгаллик қилиш, балки Евроосиёнинг маркази бўлган “Ер юраги”ни забт этишни ҳам мақсад қилган. Бу НАТОнинг Шарққа силжиши, АҚШнинг 2007 йилининг бошида эълон қилинган Чехия, Польша ва Украинада Ракетага Қарши Мудофаа (РКМ) тизимини ўрнатишга қаратилган сиёсатида ҳам очик намоён бўлмоқда.

Шундай қилиб, Евроосиё стратегик мувозанати ташқи таъсирга қарши тура оладиган тузилмаларнинг кучайиши, минтақадаги давлатларнинг изчил ва қатъий ташқи сиёсати, Евроосиёга йўналган аниқ позициясига кўпроқ боғлиқ экани намоён бўлмоқда. Акс ҳолда бу ҳудудда геосиёсий вазият тубдан ўзгариши ва янги стратегик тартибот вужудга келиши мумкин. Бундай ҳолатда миллий бирлигини сақлаб қолган, ўз миллий манфаатларига таянган ҳолда, аниқ ва изчил сиёсат юритган давлатгина узлуксиз ривожланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Евроосиёдаги стратегик мувозанатнинг ташқи кучлар назоратида қолиши маҳаллий халқлар учун жиддий синов бўлади. Бундай мураккаб ҳолатни олдини олиш учун минтақадаги вазиятнинг барқарорлашувига хизмат қиладиган ШҲТ сингари тузилмалар фаолиятнинг тақомиллаштириш масаласига жиддий эътибор қаратиш зарур.

Тўртинчи бобнинг “Евроосиё стратегик мувозанати ташқи геосиёсий омиллари”, деб номланган иккинчи параграфда минтақадаги стратегик мувозанатда асосий роль ўйнаовчи давлатларнинг ташқи сиёсий стратегияси қўлга олинади. Маълумки Евроосиё минтақаси геосиёсий таълимотлар нуқтан назаридан Евроосиё китъасининг марказий қисмини, бошқача айтганда Марказий Евроосиёни англатар экан, юқорида кўриб ўтилган таълимотлардан маълум бўлишича «pivot area», яъни «ўқ майдон» деб аталган ушбу минтақани эгаллаш қудратли давлатларнинг асосий мақсадига қиради. Ушбу ҳудуднинг геосиёсий афзалликлари хусусида геосиёсий таълимотларда берилган муҳим маълумотлар етакчи давлатларнинг ташқи сиёсатига кўчганлиги ва бу ҳудудга интилиш янги, 21 асда ҳам давом этаётганлигига гувоҳ бўлди. Собик совет давлатининг парчаланиб кетишини атлантизмнинг ғалабаси, дея талкин этган Ғарб геосиёсатчилари Россиянинг ҳам парчаланиб кетиши ва Марказий Осиёда мунтазам фуқаролар уруши, минтақавий можаролар рўй бериб, “ўқ ҳудуд”нинг тўлиқ парокандаликка учрашини башорат қилган ва қутган эдилар²⁹. Бу ҳудудга нисбатан ташқаридан олиб борилган босим ва сиёсат ҳам ана шу мақсадни амалга оширишга қаратилган эди. Аммо йилдан йилга Россия ва Марказий Осиё Республикалари суверенитетининг кучайиб борганлиги, ушбу минтақага қарийб 20 йил давомида жадал ташқи таъсир бўлишига қарамадан кучлар мувозанатининг сақланиб қолишига олиб келди. Ҳар асрнинг биринчи чорагида минтақадаги давлатлар чегараларининг тубдан ўзгариб кетганлиги ва янги аср

²⁹ Қаранг: Алимов Р. В. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: Шарқ. 2005. – Б.38.

бошида ҳам худди шундай кескин геосиёсий рақобат кетаётганлиги назарда тутилса, Евроосиёнинг марказига қаратилган ҳаракат янада жадаллашишини кутиш мумкин. Бу ҳақда доктор Р.Алимов “Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар Совет Иттифоқи парчалангандан кейин кенг Евроосиё худудидagi фундаментал геосиёсий трансформацияни ифода этади. Бу трансформация айни вақтда дунё миқёсида “совук уруш”дан кейин янги концепциялар ва парадигмалар асосидаги халқаро муносабатлар тартиботининг қайтадан шаклланиши жараёни билан баробар кечмоқда. Бу жараён 2001 йил 11 сентябрдан кейин жадаллашди, холос”, деб ёзади³⁰. Ўз ўзидан кўриниб турганидек, минтақа атрофидаги Хитой, Эрон, Ҳиндистон, Япония, Европа Иттифоқи давлатлари ҳам, ундан йироқда жойлашган АҚШ каби давлатлар ўз манфаатларини Евроосиёнинг марказидан кидираётганликларини яширмайдилар.

Шу нуқтаи назардан Евроосиёнинг маркази бўлган Марказий Осиё кудратли давлатлар манфаатлари гуташидиган худудга айланди. Бунинг учун янги асрда бу минтақада шаклланаётган стратегик мувозанатнинг АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Япония ва Эрон каби ташқи омилларига тўхталиш зарур. Zero уларнинг асосийлари АҚШ, Россия ва Хитой ҳарбий-стратегик салоҳияти нуқтаи назаридан дунёдаги энг йирик кучлар ҳисобланиб, Евроосиё марказига бевосита ва институтлашган шаклда кириб боришда давом этмоқдалар. Бу борада АҚШнинг худуддаги давлатлар билан алоқалари унинг геосиёсий мақсадларига қанчалик мос келишини таҳлил этиш зарур. Жумладан, АҚШнинг Россия билан геосиёсий рақобати бир он бўлса-да тўхтагани йўқ. Россияни стратегик халққа олиш мақсадида Кавказ минтақасида ўзига бўйсунувчи буфер давлатларни шакллантириш учун АҚШ Грузияни ўз таъсирига олишга киришди. Айни пайтда Россиянинг геосиёсати кучи билан Абхазия можаросининг пайдо бўлганлиги Грузияни ҳам назоратда ушлаб туриш учун қар икки тарафга ҳам кўл келадиган омил ҳисобланади. АҚШ бошчилигидаги ГАРБ Болтиқбўйи республикаларини НАТОга аъзо қилган ҳолда Россиянинг таъсиридан бутунлай чиқаришга эришди ва стратегик халқнинг шимоли-ғарбий қисмини қайсидир маънода муваффақиятли яқунладилар.

90-йилларнинг бошида АҚШнинг Россияга қарши қўллаган иккинчи муҳим усули уни иқтисодий парокандалигидан фойдаланган ҳолда ичдан емиришга қаратилган эди. Бу турли диний секталарни ривожлантириш орқали жамиятда ижтимоий қутбланиш юзга келтиришдан иборат эди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу фикр жуда зиддиятли жиҳатларга эга. Масалан 1991 йилдан бошлаб АҚШ Россияда ислохотлар ўтказишга ёрдам беришга интилиб ўз бюджетидан ҳам жуда катта маблағ ажратган³¹. Умумий миқдори 150 миллиард АҚШ долларилан ортик маблағ Россиядаги айрим

³⁰ Қарағ. Уша жойда –Б. 6.

³¹ М.Хелорковский бошчилигидаги МЕНАТЕП банки, Б.Березовский ва бошқа қўллаб давлат мансабдорларининг айнан мана шу каби маблағларни талон-тағож қилишда айбланганлиги бунга мисоллар

рахбарлар тарафидан талон-тарож қилинганлиги АҚШнинг Россияга нисбатан олиб борган ижобий маънодаги сиёсатини тўхташига ёки бошқа йўналишга бурилишига олиб келди.

Мутахассислар фикрига кўра Ғарбнинг Евроосиёнинг ички қисмини эгаллашга қаратилган сиёсати натижасига кўра Россиянинг шимоли ғарбий қисми Германияга, жануби ғарбий қисми Туркияга, Марказий қисми, яъни геосиёсатда Евроосиё деб аталган қисми АҚШга ва шарқий қисми тўлиқ Япония ихтиёрига ўтиши керак бўлган. Айнан ана шу сиёсатни амалга ошириш бошқа бир кўринишда, масалан Польша ва Чехияда РҚМ тизими ўрнатиш сингари йўналишда намоён бўлаётган бўлса-да, Россиянинг иктисодий қувватининг мунтазам ошиб бориши, Европа давлатларининг Россия энергетика захираларига боғлиқлиги минтакани эгаллашга қаратилган геосиёсатни қайсидир маънода барбод бўлишига олиб келди.

Шуни таъкидлаш керакки, Марказий Разведка Бошқармаси тарафидан Россиянинг ички деградацияси учун қўлланилган усуллар канчалик самарали ёки бошқача айтганда, канчалик таъсирчан бўлмасин, Россия жамияти бу усулларни вақтида пайқаганлиги, давлат бошқарувида амалга оширилган кескин ислоҳотлар Россиянинг парчаланиб кетишини олдини олишга ёрдам берди.

Ғарб “ёрдами”да Украинада амалга оширилган рангли инкилоб ҳам бу республикада ҳақиқий демократияни ўрнатиш учун қайғуришдан кўра кўпроқ уни Россия таъсиридан олиб, НАТОга аъзо қилган ҳолда Европа, тўғрироғи Ғарбга яқинлаштиришга қарагилган.

Евроосиёнинг ички қисмида энг муҳим ўринни эгаллаган Марказий Осиё ҳам айнан геосиёсий рақобат саҳнасига айланиб АҚШнинг мунтазам таъсири остида бўлиб келди. АҚШ Марказий Осиёда ҳарбий базаларини жойлаштирган ҳолда бу минтакани Россия таъсиридан чиқариш, шунингдек Хитой таъсиридан ҳам халос этиш ҳамда ҳар иккаласига қарши ўз ҳарбий қудратини шу минтақада жойлаштиришни мақсад қилган эди.

Хитойнинг ғарбий қисми географик жиҳатдан Марказий Осиёга яқин ҳудуд, геосиёсий таълимотларда эса бу ҳудуд Евроосиё минтақасига кирди. Шу нуқтаи назардан Хитой Евроосиёдаги кучлар мувозанатидан юқори даражада манфаатдор. Бу дасгаввал Хитойнинг иктисодий манфаатлари йилдан йилга ўсиб бораётганлиги, шунингдек, айирмачиликни баргараф этишга бориб такалади. Хитой Шинжон уйғур автономиясини ўз назоратида сақлаб туришни қафолатлаш учун, ўзининг Марказий Осиёдаги таъсирини доимо кучайтириб келишга ҳаракат қилган. Хитойнинг Евроосиёнинг энг бой ҳудуди ҳисобланган Марказий Осиёга интилиши унинг Туркменистон ҳамда Қозоғистон билан нефть ва газ соҳасидаги лойиҳаларида, Ўзбекистон ғарбидаги нефть ва газ қидириш лойиҳаларида иштирок этишга интилишида ҳам намоён бўлади.

Евроосиёда кучлар мувозанатида иштирок этишга интилаётган давлатлардан бири Эрон минтақа давлатлари билан алоқаларини кучайтириш учун диний-маданий омиллар билан бирга энг муҳим, ўзининг географик

стратегик омилини мунтазам қўлаб келади. Марказий Осиё давлатлари Форс кўрфазига айнан шу мамлакат орқали чиқишлари, уларнинг Эронга қайсидир маънода иқтисодий боғлиқлигини таъминлаб туради. Бундан ташқари, Эроннинг ҳарбий ва иқтисодий салоҳияти, атом дастурини амалга оширишга интиладигани, Каспий орқали Қозоғистон, Туркменистон, Озарбайжон ва Россия билан чегарадошлиги унинг нафақат Ислом дунёсида ёки Форс кўрфазига, атрофида балки Евроосиё геосиёсий жарёнларида ҳам фаоллигини таъминлаб беради.

Евроосиё стратегик тақдирини фаол иштирок этишга интилаётган Япония биринчи навбатда ўзининг геосиёсий манфаатлари нуктаи назаридан минтақага яқинлашмоқда. Аммо Япониянинг геосиёсий манфаатлари минтақа давлатларида амалга ошираётган турли иқтисодий ёрдам дастурларида яширинган бўлиб, бир қарашда улар ёрдамида Япония Марказий Осиёда Россия таъсирини сусайтиришга ҳаракат қилаётгандек кўринади. Марказий Осиё халқлари билан алоқаларнинг қонуниятлилигини кучайтириш мақсадида Япония Марказий Осиё халқлари билан тарихий илдизлари бирлиги тўғрисидаги гояни ҳам илгари суриб келмоқда. Джон Хопкинс университети профессори Ф. Старнинг таъкидлашича, Япониянинг геосиёсий нуктаи назардан биринчи рақобатчиси бу Россия бўлиб, Япония бу давлатдан ўзига тегишли ҳудудларни қайтариб олишга интилади. Марказий Осиёда эса ғарбнинг манфаатларини ифода этади, аммо бу ишни ўзига хос шарқона усулда амалга оширишнинг тўғри йўли минтақадаги давлатлар унга Ғарб геосиёсатини ифода этувчи куч сифатида қарамайдилар.

Евроосиёдаги кучлар мувозанатида иштирок этишга интилувчи қудратли давлатлардан бири Ҳиндистон бўлиб, ғарчи у Жанубий Осиёда Покистон ва Хитой билан мунтазам геосиёсий рақобатда яшаб келаётган бўлса-да, иқтисодий салоҳиятининг юксалиши билан Евроосиёда ҳам фаол геосиёсат юритишга ҳаракат қилиб келмоқда. Ҳиндистоннинг Евроосиёдаги дастлабки амалий геосиёсати унинг Тожикистон билан ҳарбий ҳамкорлигида намоён бўлди. Ғарчи Ҳиндистон ўзининг стратегик режасини турли усуллар билан яширишга ҳаракат қилган бўлса-да, унинг узок муддатли геосиёсий режасини қудратли кучларнинг барчаси тезда пайқади³². Ҳозирча Ҳиндистоннинг геосиёсий мақсадлари ҳам Японияникидек жуда яширин ва турли маданий-маърифий лойиҳалар мазмунида мужассамлашган.

Шундай қилиб Евроосиёнинг стратегик мувозанатида ташқаридан таъсир кўрсатадиган кучлар ва уларнинг мақсадлари имкон қадар минтақанинг ичкарасига кириб бериш, унинг иқтисодий имкониятларидан фойдаланишга, айни пайтда ҳудуддаги давлатларнинг бирлашишига йўл қўймаслик ҳаракатларида намоён бўлмоқда.

³² Ҳиндистон ҳарбий мутахассисларининг Тожикистон ҳарбий аэропортига хизмат кўрсатадиган базаси бўйича тузилган шартнома турли номаълум сабабларга кўра тўхтаб қолди.

Сўнги бобнинг “Евроосиё стратегик мувозанатининг институционал асослари”, деб номланган учинчи параграфиди эса Евроосиё стратегик мувозанатида бевосита иштирок этувчи халқаро сиёсий институтлар таҳлил этилади. Евроосиё стратегик мувозанатида муҳим ўрин тутувчи турли халқаро институтлар мавжуд бўлиб, улар ўз фаолиятлари доирасида гоҳ мақсадли, гоҳида эса беихтиёр қудратли давлатлар геосиёсатини амалга оширувчи омилга айланиб қоладилар. Стратегик давлатлар йилдан йилга кучайиб бораётган Россия ва Ўзбекистон, шунингдек Марказий Осиёдаги бошқа республикаларга нисбатан йилдан-йилга ташқи институционал таъсир кучайиб бораётганлигини кузатиш мумкин³³. Шунини таъкидлаш керакки, халқаро ташкилотлар фаолиятида айрим қудратли давлатлар манфаатларининг кўпроқ намоён бўлганлиги туфайли кўпгина давлатлар уларнинг фаолият йўналишлари ва мақсадларини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлдилар. Чунки, Евроосиё ҳудудида уларнинг оммавий тарзда беқарорлик омилига айланиши, улар махсус дастур асосида фаолият юритганлигини намоён этди. Айрим халқаро ташкилотлар эса, ўз ниятини яширмасдан айрим республикалардаги амалдаги сиёсий ҳокимиятларни йикитишга ҳаракат қилдилар ва бир неча мамлакатда бунга эришдилар ҳам.

Умуман халқаро тузилма ва ташкилотларни Евроосиё минтақасида кучлар мувозанатини таъминлашдан манфаатдор бўлган халқаро тузилмалар ва бу ердаги вазиятни қўлга киритишга ҳаракат қиладиган ташқи тузилмаларга ажратиш мумкин. Буларга бир тарафдан МДХ, ЕврАзЭС, ШХТ каби ташкилотлар кирса, бошқа тарафдан БМТ доирасида фаолият юритадиган ташкилотлардан тортиб ЕИ, ЕХХТ, НАТО ва сон саноксиз нодавлат ташкилотлар қиради.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари томонидан НАТО билан 1996 йилнинг май ойида, Бишкек шаҳрида «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида тинчлик ўрнатувчи баталонни шакллантириш ва унинг таъминлаш, ҳарбий қисмларнинг иштирокида ҳарбий машқларни ўтказиш тўғрисида тadbирлар қарори қабул қилинди.³⁴ Марказий Осиё батальони (Центразбат) ҳарбий машқлари 1996 йил ноябр ойидан бошлаб бир неча бор ўтказилди. Ушбу дастурнинг доирасида 1998 йилнинг сентябр ойида Ўзбекистонда Центразбатнинг навбатдаги машғулоти ўтди, унда Россия, АКШ, Туркия, Грузия, Озарбайжон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларининг ҳарбий қисмлари иштирок этди, жамида 1500 зобит ва аскарлар иштирок этди. Машқлар икки босқичда амалга оширилган – бошда Тошкентнинг жанубида, кейинчалик Қирғизистоннинг ўш шаҳрида ўтказилди.

Таҳлилчилар фикрига кўра, ҳозирги вазиятда Марказий Осиёда кучлар мувозанатини таъминлаш учун ҳарбий-сиёсий блокларни ташкил этмасдан ёки бурунги блокларни кенгайтириш йўли билан эмас, балки хавфсизликни ва

³³ Россия 2007 йилнинг 9 ойидаги йиллик ўсиш даражаси 7,7 %ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич Қозоғистон ва Ўзбекистонда 7 фоизни ташкил этган.

³⁴ Уша ерда, 35-36 б.

барқарорликни ўрnatувчи халқаро келишув, битимларни тузиш ҳамда дипломатия механизmlарни қўллаш билан ўрnatиш лoзим. Бу бoрaдa ШХТ муҳим ўрин тутaди. Евроoсиё кучлар муvозанaтидa Шaнхай Ҳaмкoрлик Тaшкилoтининг ўрни бoрaсидa И.Кaримoв 2003 йил 29 мaй куни Мoсква шaҳридa бўлиб ўтган ШХТ сaммитидa иштирок этиб, бу тaшкилoт шaкллaнгани сaри унинг минтaкaдaги тaъсири шубҳасиз мутгaсил кучайиб, кeлaжaқдa ШХТ фaолиятидa иқтисoдий йўнaлиш изчиқ юксaлиб бoришини вa турмуш шaрoитини тубдaн яхшилaш вa муносиб кeлaжaқни тaъминлaш бoрaсидaги сaъй-хaрaкaтларни бирлaштиршини тaъкидлaб ўтдилар³⁵.

Евроoсиё стрaтeгик муvозанaтининг ўрnatилишидa гaрбий дaвлaтларнинг тимсoли бўлмиш ЕХХТ, ЕИ вa НAТO сингaри халқарo тaшкилoтларнинг нуфузи oртган сaри улар Евроoсиёнинг бутун худудидa ўз фaолиятларини кeнгaйтирган ҳoлдa aмaлий хaрaкaтгa ўтдилар. Бунгa ЕХХТгa aъzoлик мaсaлaсининг юзaгa чиқкaнлигини мисoл кeлтирish мумкин. Мaсaлaн, ЕИ, НAТO вa ЕХХТ кaби тaшкилoтлар фaқaт мaълум бир минтaкaнинг, aниқpoғи Европaнинг (Гaрбий кучларни ифoдa этган дaвлaтларнинг) хaвфсизлиги, ижтимоий-иқтисoдий тaрaққиётгa хизмaт килувчи тузилмaлар сифaтидa тaшкил этилган. Aммо бу тaшкилoтлар Евроoсиёнинг тoборa кaттарoқ кисмидa ўз тaъсирини ўрnatишгa хaрaкaт килa бoшлaдилар. Бу худуддaги янги мустaқилликкa эришган мaмлaкaтларни турли дaстурлар доирaсидa ўзларигa aъzo килган ҳoлдa, бу мaмлaкaтларгa гaрбчa яшaш гaрзи, миллий кaдриятлар вa бoшқарув тaмoйилларини сунъий йўл билaн киритa бoшлaдилар. Aммо бу дaвр мoбaйнидa сoбиқ сoветлар дaвлaгини тaшкил этган мaмлaкaтлар ўз тaрaққиёт йўлини тaнлaб oлиш билар биргa, туплaниб кoлган муaммoларни хaм бaртaрaф этишгa эришдилар. Хaр бир дaвлaт ўз миллий мaнфaатларини химoя килиш, кудрaтли дaвлaтларнинг геoсиёсий курашини oстидa қoлиб кeтмaслик мaқсaдидa, турли кўришишдaги хaмкoрлик тaшкилoтларигa бирикa бoшлaдилар.³⁶ Шундaй килиб aйтил мумкинки, минтaкaдaги дaвлaтларнинг суверeнитeтини тaъминлaш вa иқтисoдий кудрaтини oшириш мaқсaдидa тaшкил этилган минтaкaвий тузилмaлар – Евроoсиё Иқтисoдий Ҳaмжaмaияти вa ШХТнинг aҳaмияти бeқиёсдир. Евроoсиё Иқтисoдий Ҳaмжaмaиятигa Белoруссия, Россия, Қoзoғистон, Гoжикистон, Киргизистон вa Ўзбeкистон aъzo бўлиб, Укрaинa, Мeлdовa вa Армaнистон бу тaшкилoт фaолиятидa кузaтувчи сифaтидa иштирок этмoқдa. Шуни тaъкидлaш кeрaкки, тузилгaндaн бoён бу тaшкилoт Евроoсиёнинг турли минтaкaларидaги геoсиёсий бoсим туфaйли жиддий муvaффaқиятгa эришгaнчa йўқ. Бoшқaчa aйтгaндa, aъzo дaвлaтларнинг бaъзилaри хaнузгaчa гaрбий кучлар тaъсиридa мустaқил сийсaт юритa oлмaяпти. Бу eсa тaшкилoт oлдидa турган aмaлий ишларнинг oқсaшигa олиб кeлмoқдa. МДҲнинг тaкoмиллaшувигa эҳтиёж сезилaётган бир пaйтдa мaълум дaрaжaдa унинг ўрнини бoсиш мумкин бўлган Евроoсиё Иқтисoдий

³⁵ И. Кaримoвнинг ШХТнинг Мoсква сaммитидaги нутқи // "Хaлқ сўзи", 2003 йил, 114-сон.

³⁶ Лукин A. ШОС: прoблeмы и перспективы // «Международная жизнь» 2004 год, №4 –С113.

Ҳамжамиятининг кучайиш ўрнига заифлашуви минтақадаги стратегик мувозанатга салбий таъсир кўрсагади. Бу ташкилотга Ўзбекистон аъзо бўлгунига қадар у қайсидир маънода тугал бир шактга эга бўлмаган эди.³⁷ Бошқача айтганда, Марказий Осиёда асосий геосиёсий мавқега эга бўлган Ўзбекистон Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамиятига аъзо бўлмаган пайтда, ушбу ташкилот жиддий истикболга эга эканлигига барча шубҳа билан қарар эди. Энди эса бу ташкилот ҳар тарафдан кучли позицияга эга бўлган Россия ва Ўзбекистон сингари аъзоларга эга бўлганлиги туфайли божхона иттифоқи, ягона иқтисодий мақонни шакллантириш учун аниқ имкон туғилди. Бу мақсадга эришиш учун собитқадамлик, бирлик ва мустақил сиёсат талаб этилади.

Демак халқаро ташкилотлар Евроосиё стратегик мувозанатида муҳим таъсирга эга бўлган тузилмалар бўлиб, уларнинг фаолиятида гарчи қайсидир давлатнинг сиёсати устуворлик қилса-да, мувозанатни сақлайдиган бошқа сиёсий институтлар ҳам мавжуд бўлиб, бир ёқлама сиёсат ёки геосиёсий рақобатни жиловлаб туради. Бу эса минтақада можароларнинг олдини олишга, давлатларга ўз манфаатларини самарали ҳимоя қилишга имкон ярагади.

ХУЛОСА ВА АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР

Евроосиёнинг стратегик мувозанати мавзусини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди. Аввало шунга таъкидлаш керакки Евроосиёнинг стратегик мувозанати тушунчаси Евроосиёда ўрнатиладиган далавлараро муносабатларнинг икки геосиёсий куч, яъни денгиз ва қуруқликни ифода этувчи кучлар ўртасидаги рўй берадиган зиддиятни англатади. Бу зиддият геосиёсий қоидаларга кўра тарихий мазмунга эга бўлиб, Евроосиёдан бошқа қиъалардаги стратегик кучларни ҳам ана шу қиъта марказини эгаллаш томон қорлайди. Геосиёсат соҳаси эса айнан Евроосиёнинг марказига интилиш, уни эгаллаш ва шу қиътада стратегик мувозанатни сақлашнинг илмий ва амалий асосларини яратиш мақсадида вужудга келган. Шу нуқтаи-назардан, геосиёсатнинг энг асосий қоидаси бу Евроосиёнинг марказини эгаллашнинг йўллари ва усулларини таҳлил этиш ва ишлаб чиқишдан иборат. Геосиёсий қоидалар билан қуролланган кучларнинг Евроосиёнинг марказини эгаллашга қилган ҳаракатлари, Ернинг юрагини эгаллашни англатади, зеро ушбу соҳада ернинг юраги айнан Евроосиёнинг марказий қисмини англатади. Ернинг юрагини эгаллаган куч бутун ер юзига ҳукмронлик қилиши тўғрисидаги қоида ҳам геосиёсатнинг асосий қоидаларидан биридир.

Евроосиёдаги стратегик мувозанатнинг ўн тўққизинчи асрдан бошлаб жуда долзарб масалага айланган. Бунинг дастлабки сабаби Буюк Британиянинг айнан шу даврга келиб қудратли денгиз мамлакатига айланганлигига бориб тақалар экан. Буюк Британия қудратидаги денгиз омили уни Евроосиёни барча

³⁷ Ўзбекистон бу ташкилотга 2006 йил 26 январда қабул қилинди.

тарафдан курашаб олган ҳолда унинг маркази томон етаклар экан, инглиз геосиёсатчилари ва олимлари Ернинг юрагини эгаллаш асосий мақсад эканлигини яширмаганлар. Бунинг учун улар турли режалар ишлаб чиқишган ва илмий доктриналар яратганлар. Энг машҳур ва самарали концепциялардан бири сифатида Х.Макиндернинг «Ер юрагини эгаллаш» тўғрисидаги мажмуасини қайд этиш мумкин. Россия (Евроосиё)ни Лена дарёсидан бошлаб иккита бўлиш ва унинг ортидаги ерларни Россиядан ажратиш, Шимолий муз океанидан бошланиб Ҳинд океанига қадар чўзилган «Ернинг ўқи» атрофида кечалиган жараёнларни бошқариш режаси ҳам айнан Х. Макиндерга тегишли бўлган.

Буюк Британиянинг бундай хавфли қудратини енгиш ва бутун Евроосиёда ўзига хос тартиб ўрнатиш эҳтиёжи ва иқтисодий имконияти қучайиб бораётган Германия инсоният тарихида энг мудҳиш жиноят саналган иккита жаҳон урушига сабаб бўлдилар. Германиянинг бундай геосиёсатини назарий жиҳатдан асослаш учун Ф.Рагцель ва К.Хаусхоферларнинг илмий мероси муҳим аҳамиятга эга. Ф.Рагцель «Истило қонуни»ни яратган бўлса, К.Хаусхофер айнан илмий қарашлари фашизмга хизмат қилганликда айбланган ва умрининг охиригача жамиятдан ажралиб хор-зорликда яшаган.

Демак Евроосиёда ўтган асрда икки марта зўравонлик билан стратегик мувозанат ўрнатишга уриниш бўлиб ўтган. Аммо бу уриниш икки мудҳиш жаҳон урушини келтириб чиқарган ва унинг сўнгида яна 45 йил давом этган «Совук уруши» бошлаб берган «Совук уруш» даврида ҳам Евроосиёни ҳар томонлама бўғиб олош учун «Анаконда стратегияси» сингари ўта мураккаб, аммо самарали концепциялар амалга оширилган. Собик Совет давлатининг парчаланиши нафақат геосиёсий дуализмнинг яқун топишига, балки янги кўринишдаги геосиёсий рақобатнинг ривожланишини бошлаб берди.

Евроосиёнинг геосиёсий тақдирини француз геосиёсат мактабида тор маънода Германия билан рақобат ва фақат Ғарбий Европада стратегик мувозанатни сақлашга қаратилган. Шунини таъкидлаш керакки, Франция Германияга нисбатан ҳарбий жиҳатдан заиф ва айнан немислар улар учун энг хавфли душмани бўлганлиги боис, унга қарши атлантист йўналишда стратегияни ривожлантиради.

Америка геосиёсатида Буюк Британиянинг Евроосиёни эгаллаш ва унинг марказига интилишга қаратилган стратегиясининг давомини кўриш мумкин. АҚШ стратегияси совук уруш давомида фақат Совет Иттифоқига қарши мафкуравий кураш кўринишида бўлган ва бу курашда геосиёсий мақсадлар очик намоён бўлмаган. Совет тизими парчалангандан кейин АҚШнинг Евроосиёнинг турли тарафида олиб бораётган ҳарбий ҳаракатлари, Евроосиёнинг маркази бўлган Марказий Осиёга нисбатан турли «ҳийлакор усуллар» билан кириб бориш ва у ерда имкон борица узоқ сақланиб қолишга интилиши АҚШ геосиёсатининг юз йилдан бери узлуксизлик билан давом этаётганлиги намоён бўлади. А.Мэхен асос солган «Анаконда» стратегияси ва Н.Спайкмен давом эттирган стратегия Евроосиёдаги мувозанатни Россия,

Марказий Осиё, Хитой ва Ҳиндистоннинг кўлидан олишга қаратилган геосиёсатни аниқлатади.

Тадқиқот давомида минтақавий хавфсизликнинг асрлардан бери шаклланиб келаётган геосиёсий қоидаларга таянган тақдирда мустақкам асосга эга бўлишига амин бўлдик. Чунки ҳар бир минтақа ўзининг геосиёсий мавқеига боғлиқ ҳолда жуда жадал ёки нистабатан суёт геосиёсий таъсирлашувлар доирасида бўлади. Шу жумладан Марказий Осиё минтақаси ҳам ўзининг геосиёсий аҳамиятига кўра қадимдан у ёки бу стратегик қучларнинг геосиёсий рақобати доирасида бўлиб келган. Минтақа геосиёсий аҳамиятининг юксалиш давларида бу ерда уруш ҳаракатлари авжга чиққан. Бунга Буюк Искандарнинг юришлари, Араб халифалиги давридаги юришлар, Чингизхоннинг босқинини мисол келтириш мумкин. Минтақа улкан салтанат марказига айланган даврларда эса бошқа ўлкаларни ўзининг геосиёсий таъсир доирасига тортган. Бунга қадимги даврларда Чингиз босқини ва Жалолиддин Мангубердиннинг озодлик учун курашлари, Темур салтанатининг бутун Евроосиё қитъасига ёйилиши натижасида бутун минтақаларни ўз таркибига тортиб боришини ҳамда Бобур салтанатини мисол келтириш мумкин. Марказий Осиёнинг XIX асрда Чор Россияси томонидан босиб олинishi, ўтган асрда эса абадий ички зиддиятлар ботқоғида қолишлари учун шўролар томонидан парчалаб юборилиши, улар орасида мураккаб чегаралар тортилиши ва ниҳоят 70 йил давомида бошқа давлат таркибида бўлганлиги минтақанинг тўлиғича ташқи таъсир доирасида қолишганини яққол кўрсатиб берди.

Янги аср бўсағасида рўй берган сиёсий жараёнлар дунё харитасида ўнлаб янги давлатларни юзага келтирди. Евроосиё қитъасида янгидан бошланган геосиёсий кураш Марказий Осиё ҳудудини ҳам тўлиғича камраб олди. Мураккаб геосиёсий жараёнлар кечаётган бугунги даврда минтақавий хавфсизликни таъминлаш биринчи навбатда бир давлат ёки давлатлар бирлиги асосида миллий манфаатлар мутаносиблигини шакллантиришни тақозо этади. ҳеч бир давлат минтақадаги бошқа давлатлардан ажраган ҳолда яққа ўзи ўз хавфсизлигини тўлиқ таъминлай олмаслиги тарихда рўй берган геосиёсий жараёнлардан қўп мартаба исботланган.

Геосиёсий таълимотнинг мумтоз тадқиқотларига назар ташланса ер юзидаги стратегик рақобат асос эътибори билан Евроосиё қитъасининг қирғоқ ҳудудларидан унинг марказий ҳудудини эгаллашга қаратилган. Бу ҳартланд ва римланд ўртасидаги кураш, теллуракратия ва талассократия ўртасидаги рақобат шаклида рўй бериб келган. Марказий Осиё «ҳартланд» учун олиб бориладиган курашда Жанубий Осиёдан кириб бориладиган ёки «римланд»нинг Жанубий Осиёдаги қирғоқларини эгаллаш учун энг қулай йўл ҳисобланади. Ғарбий Европа, Россия ҳамда АҚШ геосиёсатчиларининг тадқиқотларида кўрсатилишича Марказий Осиё ҳудуди албатта у ёки бу геосиёсий етакчи давлатнинг миллий ва иқтисодий манфаатлари доирасига кирган. Шу нуқтаи-назардан ушбу минтақада рўй бераётган геосиёсий жараёнлар, давлатларнинг ташқи сиёсатлари албатта етакчи давлатларнинг

ташки стратегиясини ҳисобга олган ҳолда талқин қилиниши мақсадга мувофиқдир. Ғарб тадқиқотчиларининг таъкидлашларига кўра Марказий Осиё минтақаси Европадаги Болкон ярим ороли сингари Евроосиё қитъасидаги стратегик мувозанатнинг сақланиши ёки бузилишига жиддий таъсир кўрсатувчи ҳудуд ҳисобланади. Бошқа сўзлар билан айтганда ушбу минтақанинг геосиёсий аҳамияти фақат унинг иқтисодий имкониятлари билан белгиланмайди. Унинг турли кучлар манфаатлари тутунда жойлашганлиги масаланинг энг муҳим нуқтаси ҳисобланади.

Чунки Марказий Осиё дунёдаги етакчи кучларнинг қитъа маркази учун олиб борадиган стратегик рақобати доирасида жойлашган. Минтақадаги давлатларнинг географик, сиёсий, иқтисодий шароити ҳамда хусусиятлари уларни турли кучлар таъсир доирасига кириб қолишига шароит яратиб берган. Мамлакатлардаги табиий-бойликлар ва уларнинг дунё бозорларидан узок масофада жойлашганлиги уларнинг ташқи ҳамкорларга боғлиқ бўлиб қолишларига олиб келади, оқибатда дадил ташқи сиёсат юргизишларига ҳалал беради.

Марказий Осиёда минтақавий ҳавфсизлик халқаро терроризмга қарши кураш пайтида айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ер юзидаги энг қудратли давлатлар иштирокида тузилган коалиция айнан кейинги йигирма йил ичида қитъадаги геосиёсий тўқнашув ўчоғи бўлган Афғонистонда халқаро терроризмга қарши кураш олиб бордилар. АҚШ каби етакчи давлатнинг минтақа давлатлари билан стратегик ҳамкорликни йўлга қўйиши минтақанинг стратегик аҳамиятини ўз-ўзидан ошириб юборди.

Бу нуқтаи-назардан евроосиё стратегик мувозанатида қуйидаги жиҳатлар муҳим ўрин тутаяди:

1. Минтақа атрофида кечаётган жараёнлар геосиёсий ва геоиқтисодий нуқтаи-назардан талқин қилиниши минтақавий ҳавфсизлик ва ташқи стратегияни белгилашда муҳим қурол бўлиб хизмат қилади.
2. Марказий Осиё минтақаси географик жиҳатдан ядро қуролига эга бўлган қудратли давлатлар ўртасида жойлашганлиги унинг геосиёсий аҳамиятини кескин ошириб юборади.
3. Минтақанинг улкан табиий захиралари уни ташқи таъсир доирасига тортиб борадиган муҳим геоиқтисодий омил ҳисобланади.
4. Ҳар бир мамлакат ҳамда бутун минтақа ҳавфсизлиги фақат минтақадаги давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида таъминланиши мумкин.
5. Стратегик мувозанатни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири бу минтақадаги давлатлар ўзаро миллий манфаатларнинг уйғунлигини англаш ва тан олишдан иборат.
6. Стратегик мувозанатни таъминлашнинг навбатдаги омили ҳавфсизлик категориясининг бўлинмас эканлигини тўлақонли англаш ҳамда тан олишдан иборат.

7. Стратегик мувозанат турли даражадаги ҳамкорлик ташкилотлари, битимлари, шартномалари ва бирлашмалари негизда мустахкамланиши мақсадга мувофиқдир.
8. Марказий Осиё давлатлари китъадаги етакчи кучлар билан стратегик мувозанатни ўрнатишда минтақанинг ички ҳамкорлик тизimini барпо этишлари зарурдир. Ушбу ҳамкорлик минтақавий тузилмаларнинг мустахкамланиши билан таъминланиши мумкин.
9. Минтақадаги бирор бир давлатга етказиладиган сиёсий таъйик минтақадаги ҳар бир давлат учун барабар қабулланиши ва талкин қилиниши ташки омилларга қарши амалий ҳаракатларни уйғунлаштиришга имкон яратади.
10. Стратегик мувозанат тизimini яратишнинг энг муҳим омилларидан бири бу ўзаро манфаатли ички иктисодий бозорни шакллантиришдан иборат.
11. Минтақада барча манфаатдор далаатларнинг иктисодий манфаатларини шакллантириш, қўшма иктисодий лойиҳалар ва корхоналар ташкил этиш бўйича кенг имтиёзларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этишлари зарур.
12. Минтақа давлатлари турли халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли муносабатларга кирган ҳолда ер юзидаги стратегик мувозанатни ўрнатишда ўзаро бирлашган ҳолда иштирок этишлари мақсадга мувофиқдир.
13. Диний ва этно-худудий жиҳатларининг муҳимлигини тан олиш ва этно-худудий асосда зиддиятлар ва тўқнашувларга йўл қўймаслик кучлар мувозанатининг муҳим шартларидан биридир.
14. Стратегик мувозанатда халқларнинг тарихий, маданий ҳамда диний илдизларининг бирлиги ҳодисасига урғу бериш ҳамда элатлараро муносабатларнинг ривожланишига туртки бериш ҳамкорликни кучайтиради.
15. Минтақадаги табиий-захиралар учун олиб бориладиган кураш жараёнида сув таксимоти, этно-худудий ҳамда диний омил билан бoғлиқ турли муаммолар муқаррар равишда ташки кучлар томонидан ишга солинишини эътиборга олиш зарур.
16. Минтақада сиёсий тусдаги янги ташкилотлар тузиш эмас, балки давлатлар ўртасида имзоланган иктисодий, сиёсий ва маданий асосда қурилган шартномаларни ривожлантириш минтақавий хавфсизликни таъминлашга яхши хизмат қилади.
17. Давлатлар ўртасида божхона муносабатлари, ўзаро мол айирбошлашда тўланидиган бож, транзит юклар ҳамда йўловчиларнинг хавфсизлиги масалалари ўзаро қатъий мувофиқлаштиришни талаб этади.
18. Минтақадаги элатлар ўртасидаги этно-маданий бирлик натижасида рўй берадиган табиий миграция жараёнлари ҳуқуқий жиҳатдан ўзаро мувофиқлаштиришни талаб этадиган муҳим мавзулардан саналади.

Диссертациянинг асосий мазмуни бўйича нашр этилган ишлари рўйхати:

Монография, китоб ва дарсликлар:

1. Жалилов А. Евросиё стратегик мувозанати (геосиёсий таҳлил гажрибаси) –Т.: Академия, 2007. - 151 б.
2. Давлатлар ва халқаро ташкилотлар / С.Жўраев, Б.Худойбердиев, О.Қосимов, Жалилов А, С.Саидолимов ва б. -Т.: Академия, 2006. - 347 б.
3. Халқаро муносабатлар (геосиёсат, дипломатия, хавфсизлик) / С.Жўраев, Б.Худойбердиев, Н.Қосимова, А.Жалилов, О.Қосимов, С.Саидолимов ва бош. -Т.: Академия, 2006, - 240 б.
4. А.Жалилов, С.Жўраев. Геосиёсат асослари (ўқув қўлланма) –Т.: Академия, 2007. -245 б.
5. Жалилов А. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти/ (халқаро муносабатлардан маърузалар тўплами) –Т.: ЖИДУ. 2002. - 95 б.

Журналларда нашр этилган мақолалар:

6. Жалилов А. Марказий бошқарув усули: ижобий ва салбий жиҳатларининг намоён бўлиш шароитлари. // Ижтимоий фикр. – Тошкент, 1998. № 3. – Б.67-76.
7. Жалилов А. Диаспора (этник-сиёсий ҳодисанинг назарий таҳлили) // Халқаро муносабатлар. – Тошкент, 2001. №4, –Б.57-67.
8. Жалилов А. Исследование этно-политических аспектов региональной безопасности в Центральной Азии. // Международные отношения, – Тошкент, 2002. № 2.–Б. 33-40.
9. Абдуганиев А., Норбоев Т., Жалилов А. Ўзбекистонда мустақилликка эришилгандан кейин демократик тамойилларнинг ривожланиши. // Халқаро муносабатлар. – Тошкент, 2001. №3. –Б. 32-41.
10. Жалилов А. “Марказий Осиё географияси: ёндашувлар тизими”. // Таҳлил ва истикбол. Ўзбекистон Республикаси стратегик таҳлил ва истикболни белгилаш Олий Мақтаби Журнали. – Тошкент, 2004. № 2. –Б. 31-35.
11. Жалилов А. “Хукукий давлат таракқиётига бир назар”. // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 2003. № 2. –Б. 23-25.
12. Жалилов А. «Тинчлик йўлида курашлар». // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 2003 й. № 3. –Б. 58-59.
13. Миллий истиклол гоёсининг иқтисодий ва ҳукукий қафолати тўғрисида. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2002 й. №1. –Б.40-50
14. Жалилов А. Геосиёсатда мондиализм назарияси. // Тафаккур. – Тошкент, 2006. №1. –Б. 112-113.
15. Жалилов А. Сиёсий ҳокимиятнинг легитимлиги. // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 2002. № 5. –Б. 24-26.
16. Жалилов А. Фридрих Ратцельнинг геосиёсий қарашлари. // Ижтимоий фикр. – Тошкент, 2003. №2. –Б.125-131.

17. Жалилов А. Марказий Осиёнинг геосиёсий мавқеи. // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2006. Махсус сон –Б. 26-30.
18. Жалилов А. Хэлфорд Маккиндернинг геосиёсий қарашлари. // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2006. № 2. –Б. 45-46.
19. Zhalilov A. Ethnic-political aspects of regional stability of Central Asia. // Central Asian Affairs. – Алматы, 2006. №1. – С. 12-20

Илмий тўпламлар ва конференция материалларида нашр этилган мақолалар:

20. Жалилов А. Геосиёсий тадқиқотларнинг илмий-услубий асослари тўғрисида. // Ўзбекистонда сиёсий фанлар. –Т.: ШАРҚ, 2002. – Б. 45-56.
21. Жалилов А. Геополитика // Независимый Узбекистан». Научно-популярный словарь. –Т.: УМЭД, 2002. - С.32-33.
22. Жалилов А. Геополитика, Харизма, Легитим ҳокимият, Анъанавий легитимлик, Инструментал легитимлик // Фалсафа қомусий луғат –Т.: ШАРҚ, 2004. – Б. 32, 87, 167, 218, 441.
23. Жалилов А. Марказий Осиёнинг геосиёсий мавқеи. “Ўзбекистонда демократик янгилашни, ҳуқуқий давлат қуриш ва инсон омилининг истиқболлари ёш олимлар нигоҳида” мавзuidaги илмий-амалий конференцияда (Тошкент-2006, 26 апрель), // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2006. Махсус сон. –Б.26-30.
24. Жалилов А. Особенности политической модернизации в Узбекистане // Материалы международного “круглого стола” организованной ФРП РУз и ОБСЕ. г. Бухара, 20-21 апреля 2007 г. – Т.: Академия, 2007 –С.188-200.
25. A. Jalilov. Ethnic-political Aspects of Central Asian Stability. Central Eurasian Studies Society (CESS). CESS 5th Annual Conference – 2004.// Электрон Ж: www.cess.mohio.edu
26. Жалилов А. Фиаско в Андижане или эффект бумеранга. www.centrasia.org. 23.11.2005
27. Жалилов А. Инциденты на границе – это не детские шалости со спичками. www.press-uz.info. 03.07.2006.
28. Жалилов А. Захват сердцевины: земли классическая дилемма геополитики. www.sngnews.ru. 29.05.07.

Ўқув-методик материаллар:

29. “Геосиёсат асослари”/ С.Жўраев, А.Жалилов (ўқув дастур), –Т.: Академия, 2005. - 40 б.
30. С.Жўраев, Жалилов А. С.Саидолимов / “Хорижий давлатларнинг ташки сиёсати ва дипломатияси”. (ўқув дастур). –Т.: Академия, 2005 й. - 39 б.

**Сийёсий фанлар доктори илмий даражасига талабгор Жалилов Ақтам
Ташназаровичнинг 23.00.02 - сийёсий институтлар ва жараёнлар ихтисослиги бўйича
"Евроосиё стратегик мувозанатини тадқиқ этишнинг геосийёсий масалалари"
мавзусидаги диссертациясининг**

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: сийёсат, сийёсий институтлар, сийёсий жараёнлар, стратегия, стратегик мувозанат, геосийёсат, геосийёсий жараёнлар, атлантизм, континентализм, евроосиёчилик, несевроосиёчилик, геосийёсий рақобат, кучлар мувозанати, БМТ, НАТО, Шарқ, Ғарб, Евроосиё, Осиё, Марказий Осиё, буфер давлатлар, қудратли давлатлар, ўтиш давридаги давлатлар, этник ва диний можаролар, қарганд, римланд, мондиализм, конвергенция.

Тадқиқот объекти: Евроосиё марказига қаратилган илмий изланишлар, оқимлар, стратегиялар ва халқаро сийёсий институтлар ва жараёнлар.

Тадқиқотнинг мақсади: геосийёсий тадқиқотлар ва сийёсий жараёнларни таҳлил этиш асосида Евроосиёда стратегик мувозанат ўрнатишдаги асосий сийёсий институтларни кўрсатиш ва уларнинг минтақа марказига интилишларини асослаш.

Тадқиқот услуби. Тадқиқотда илмий услубнинг илмий-назарий, қиёсий, тарихий, диалектик таҳлил усулларидан комплекс тарзда фойдаланилган.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Тадқиқот ишида биринчи марта Евроосиёда кечаётган сийёсий жараёнлар унинг марказига – Марказий Осиё йўналишига қаратилганлиги, Евроосиёдаги мувозанат эса Марказий Осиё атрофидаги геосийёсий мувозанатга, шунингдек Ўзбекистоннинг минтақадаги кучларни барқарорлаштиришдаги ўзига хос ўрни асослаб берилди, илмий ва амалий хулосалар килинди.

Амалий аҳамияти: Диссертация хулосалари минтақада кечаётган геосийёсий жараёнларнинг моҳияти, йўналиши, манбаларини белгилаш, ташқи сийёсатни шакллантириш, геосийёсат, халқаро муносабатлар, ташқи сийёсат ва дипломатия, халқаро хавфсизлик фанларини такомиллаштириш ва ўқитиш, шунингдек ташқи сийёсат ва миллий хавфсизликка мануб вазирлик ва идораларда таҳлилий материаллар ёнида муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқ этиш даражаси ва ихтисодий самарадорлиги: Диссертация 8 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Инглиз ва чет тиллар институти (Хиндистон), Индиана Университети (АҚШ), Гарвард Университети (АҚШ), Жаҳон ихтисодиёти ва дипломатия университети ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши Академиясида олиб борилган илмий тадқиқот натижаси ҳисобланади. Тадқиқотчи Марказий Осиё тадқиқотлари Жамиятининг 2003 йилда (Бостон АҚШ) ташкил этилган IV ва 2004 йилда (Блумингтон, АҚШ) ташкил этилган V халқаро конференцияларида иштирок этган. 1999-2007 йиллар орасида диссертант 30 дан ортиқ илмий мақолалар chop этган, Жаҳон ихтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши Академиясига Геосийёсат ва Халқаро муносабатлар фанларидан дарс берган, шунингдек, 2003 йилда "Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти" номли маърузалар матни (5,5 б.т.), 2005 йилда "Давлатлар ва халқаро ташкилотлар" (21,7 б.т.) ва 2006 йилда "Халқаро муносабатлар" (геосийёсат, дипломатия, хавфсизлик) номли қўлланмалар (15 б.т.), 2007 йилда "Евроосиё стратегик мувозанати" (геосийёсий таҳлил тажрибаси) (9,5 б.т.) ва "Миллий манфаатлари ва бошқарув масъулияти" номли монографиялар (43 б.т.), "Геосийёсат асослари" номли ўқув қўлланмага (20 б.т.) муаллифлик қилган.

Қўлланиш соҳаси: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Жаҳон ихтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон миллий университети.

РЕЗЮМЕ

диссертации Жалилова Актама Ташназаровича на тему: «Геополитические вопросы исследования стратегического баланса в Евразии» на соискание ученой степени доктора политических наук по специальности 23.00.03 - Политические институты и процессы

Ключевые слова: политика, политические институты, политические процессы, стратегия, стратегический баланс, геополитика, геополитические процессы, атлантизм, континентализм, евразийство, неоевразийство, геополитическая конкуренция, баланс сил, ООН, НАТО, ШОС, ЕврАзЭС, Восток, Запад, Евразия, Азия, Центральная Азия, сверхдержавы, этнические и религиозные проблемы, хартланд, римланд, мондиализм, конвергенция.

Объект исследования: геополитические исследования, течения, стратегии, политические институты и процессы, направленные к центру Евразии.

Цель работы: на основе анализа геополитических исследований и политических процессов указать главных политических институтов в установлении стратегического баланса в Евразии и обоснование их стремления к центру региона.

Методы исследования: в исследовании в комплексе использованы методы научно-теоретического, сравнительного, исторического и диалектического анализа.

Полученные результаты и их новизна: в исследовании впервые обоснована сосредоточенность политических институтов и процессов к центру Евразии – в направлении Центральной Азии, зависимость Евразийского стратегического баланса от геополитического равновесия вокруг Центральной Азии, также исключительную роль Узбекистана в стабилизации сил в регионе.

Практическая значимость диссертации: диссертация имеет важное значение в определении сущности, направленности, источников геополитических процессов в регионе, формировании внешней политики, совершенствовании и преподавании геополитики, международных отношений, внешней политики и дипломатии, международной безопасности, а также написании аналитических материалов министерств и ведомств.

Степень внедрения и экономическая эффективность: В течение 8 лет исследование проводилось в Институте стратегических и межрегиональных исследований при Президенте РУз, Университете мировой экономики и дипломатии, Институте Английского и иностранных языков (Индия), Университете Индиана (США), Гарвардском Университете (США) и Академии государственного и общественного строительства при Президенте РУз. Исследователь участвовал в 2003 году на IV (Бостон, США) и в 2005 году на V (Блумингтон, США) международной конференции организованной Обществом Исследований Центральной Азии. С 1999 по 2007 годы, диссертант опубликовал более 30 научных статей, преподавал предметы геополитики и международные отношения в Университете мировой экономики и дипломатии и Академии государственного и общественного строительства при Президенте Республики Узбекистан, а также опубликовал в 2003 году тексты лекций «Узбекистан и мировое сообщество» (5,5 п.л.), в 2005-2006 годах книги «Государства и международные организации» (21,7 п.л.) и «Международные отношения» (геополитика, дипломатия, безопасность) (15 п.л.), в 2007 монографии «Стратегический баланс в Евразии (опыт геополитического анализа)» (9,5 п.л.), «Национальные интересы и ответственность управления» (43 п.л.), учебное пособие «Основы геополитики» (20 п.л.).

Область применения: Министерство Иностранных Дел Республики Узбекистан, Министерство высшего и средне-специального образования Республики Узбекистан, Академия государственного и общественного строительства при Президенте Республики Узбекистан, Институт стратегических и межрегиональных исследований при Президенте Республики Узбекистан, Университет мировой экономики и дипломатии.

RESUME

Thesis of Aktam Jalilov on the scientific degree competition of the doctor of science (philosophy) in Political Science speciality 23.00.03 – Political institutions and processes subject: “Geopolitical questions of research of the strategic balance in Eurasia”

Key words: politics, political institutions, political processes, strategy, strategic balance, geopolitics, geopolitical processes, atlantism, continentalism, eurAsianism, neweurAsianism, geopolitical competition, power balance, UN, NATO, SCO, EurAsEC, East, West, Eurasia, Asia, Central Asia, great powers, ethnic and religious tensions, heartland, rimland, mondialism, convergence.

Subjects of inquiry: geopolitical researches, streams, strategies, political institutions and political processes directed to the center of Eurasia.

Aim of the inquiry: on the basis of analyses of geopolitical researches and political processes to show the most important political institutions in establishing of strategic balance in Eurasia and point out of their effort to overcome of its center.

Methods of inquiry: in dissertation has been used scientific, theoretical, comparisational, historical and dialectic methods of analyses.

The results of achieved and their novelty: first time in this dissertation has been demonstrated the direction of political institutions and processes to the center of Eurasia – to Central Asia, dependence of strategic balance in Eurasia from the geopolitical equilibrium around the Central Asia, also imperative role of Uzbekistan in harmonizing powers in the region.

Practical value of the dissertation: dissertation has fundamental significance in defining of fundamental nature, course and resources of geopolitical processes in the region, in forming of foreign policy, improving and teaching of such subjects as geopolitics, international relations, foreign policy and diplomacy, international security, also in writing of analytical materials of ministries and departments.

Degree of embed and economic effectiveness: During 8 years the research has been conducted in the Institute of strategic and regional studies at the President of the Republic of Uzbekistan, the University of World Economy and Diplomacy, the Institute of English and Foreign Languages (India), Indiana University (USA), Harvard University (USA) and the Academy of State and Social Construction at the President of the Republic of Uzbekistan. Researcher participated in 2003 at the IV (Boston, USA) and in 2004 at the V (Bloomington, USA) Annual International Conferences of the Central Eurasian Studies Society. Since 1999 until 2007 researcher published more than 30 scientific articles, taught Geopolitics and International Relations at the University of World Economy and Diplomacy and at the Academy of State and Social Construction at the President of the Republic of Uzbekistan, also published in 2003 lecture textbook “Uzbekistan and World Community” (55 p.p.), in 2005-2006 books “States and International Organizations” (21.7 p.p.), “International Relations” (15 p.p.), in 2007 monographs “Strategic balance in Eurasia” (practice of geopolitical analyses) (9.5 p.p.), “National Interests and responsibility of governing” (43 p.p.), also course book “Essentials of Geopolitics” (20 p.p.)

Sphere of usage: Ministry of Foreign Affairs of the Republic of Uzbekistan, Ministry of Higher and Secondary Special Education, Academy of State and Social Construction at the President of the Republic of Uzbekistan, Institute of strategic and regional studies at the President of the Republic of Uzbekistan, University of World Economy and Diplomacy, related ministries and departments.

Ташкилотчи:



А.Жалилов